


86  
K28 Дилором Қаримова

# Сабақ соҳили



Дилором Каримова

# Сабр соҳили



Шеърлар

Тошкент  
«Navro'z» нашриёти  
2018

КБК 86.(Ўзб)  
К28  
УЎК 119.30.12

**Каримова, Дилором**  
Сабр соҳили / шеърлар – Т.: «Navro'z» нашриёти,  
2018 й. 156 б.

*Масъул муҳаррир:*

**Мирзо КЕНЖАБЕК,**  
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси.*

Ушбу тўпламдаги шеърлар мавзу-моҳиятига қараб уч бўлимга ажратилган. Биринчи бўлим халқ оғзаки ижодининг мумтоз ҳикоят ва ривоятларини ўз ичига олган. Бунда “Шарқ ҳикоят ва ривоятлари” (нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов), “Дурратул-ваъизин” (Салим Бухорий) каби манбалар асос бўлиб хизмат қилган.

Иккинчи бўлим буюк инсон – Она мадҳига бағишланган.

Яқунловчи қисм эса кундалик-ҳаётий муаммоларга муносабат, инсоннинг хиссий кечинмалари: соғинч ва изтироб, меҳр ва вафо каби мавзулардаги шеърлардан таркиб топган. Ушбу шеърини тўплам жавонингиздаги севимли китоблар қаторидан жой олса ажаб эмас.

ISBN 978-9943-381-96-4

© Дилором Каримова, 2018 й.

© «Navro'z» нашриёти, 2018 й.

2792

Занжиротта Акси

## СЎЗБОШИ

Қўлингиздаги шеъррий китоб муаллифи – асли муаллима. У умрининг қирқ йилини халқимиз фарзандлари, қолаверса, шу халқнинг таълими ва тарбиясига бағишлаган.

Дилором Каримова – филология фанлари номзоди, доцент, илм-фан соҳасига хизмати сингган ва шу хайрли ишда давом этаётган олима аёл. У Республикамизнинг нуфузли илм даргоҳлари: Бухоро давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳларида ёшларга сабоқ бериш баробарида илм оламида ҳам баракали фаолият олиб борди. Юртимизда яшаб ижод этган мумтоз шоир ва олимлар, жумладан, Имло Бухорий, Содиқ Мунший Жондорий илмий-ижодий фаолиятларини татқиқ этди. Бу ижодкорлар асарларини халқимизга етказиш мақсадида рисоалар нашр эттирди.

Олима “Мирзо Содиқ Жондорий ижодининг жанрий таркиби ва бадиияти” мавзуйидаги номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, адабиётимизнинг етарли ўрганилмаган бир қиррасини кашф этди. Ҳозирда ижодкорнинг “Содиқ Мунший – Жондорнинг ширинкалом шоири”, “Имло Бухорийнинг назмий гулдастаси”, “Адабиёт ўқитиш методикасидан қўлланма” номли илмий-бадий рисоалари, “Тонгда битилган шеър”, “Онамни қўмсаб” каби шеъррий тўпламлари китобхонлар қўлида.

Маълумки, шеърят инсоннинг энг нозик қалб кечинмаларини ифодаловчи воситадир. Муаллиф шеър ёзар экан, аввало ўзининг ўқитувчи эканлигини ҳар дамда ҳис қилиб туради. Айтмоқчи бўлган фикрларини назм шодасига тизар экан, комил инсонни тарбиялаш мақсади устувор туради. Демак, у тарбиянинг нозик услуби – шеърятни ўз


мақсади сари йўналтиради. Айни вақтда, шеърлар ёзиб, ўз қалб кечинмалари, қувонч ва изтироблари, ҳаётнинг секин ва ташвишларини назмда ифодалашга ҳаракат қилади. Ижодкорнинг шеърлари асосан маърифий руҳдир. У қайси мавзуга қўл урмасин, ўз иймон-этиқоди, поклик ва садоқати, она юртга, мушфиқ ва меҳрибон онага бўлган самимий меҳр-муҳаббатини шеърини ҳарорат билан ифодалашга уринади.

«Сабр соҳили» шоиранинг адабиёт ихлосмандларига навбатдаги тухфасидир. Ундаги ижод намуналари шунчаки машқ қиладиган ҳавасманд кишининг баёнлари эмас, балки шеърият соҳасида анчагина мавқеъ ва ютуққа эришган, огоҳ қалбли забардаст бир шоиранинг шеърини тўпламидир. Унинг барча шеърлари жўшқин юрак, пок-иймон этиқодининг шеърини хужжатидир. Айниқса, ватан ва халқ, она ва фарзанд муҳаббати ва соғинчи мавзуйидаги самимий шеърлар исломий ривоятларнинг назмий талқинлари билан бири-бирига ҳамоҳанг. Бу китобхонда ўзгача таассурот уйғотади.

Аллоҳга этиқод иймон бутунлигидандир. Бутун иймон билан Ҳаққа интилом ҳам ибодатдир. Этиқод ва иймонга даъват этувчи бу шеърини гулдаста ўз китобхонлари ва мухлисларини топишига, уларнинг қалбига инсоний туйғуларнинг илиқ нафасини олиб киришига шубҳа йўқ. Шоиранинг илмий-ижодий ишларида омад беришини Яратгандан тилаб қоламиз.

*Анвар Қори ТУРСУНОВ,  
Тошкент шаҳри бош имом-хатиби.*

Ҳалқ  
дурдоналаридан



## ОЙБЕКА ҚИССАСИ

Соҳибжамол Ойбека, кўплар унга парвона...  
Кимлар бир кўрмоқ истар, ким бўлсам дер ҳамхона.

Кибру ҳавоси баланд, ўз хуснига ўзи лол,  
Бир кун жориясидан кулиб сўради савол:

– Бадавлатман, гўзалман, мендаги бахт кимда бор,  
Бу иқлимда бормикан, мендек аёл – бахтиёр?!

– Ҳа бор, – деди жория, аслида у энг бахтли,  
Шукронадан тўхтамас, уйи файзу фараҳли.

Бир чимрилди Ойбека: – Чорла, боқай юзига!  
Бечора чўри билмай, жабр қилди ўзига.

Титраб деди: – У келмас, фурсати йўқ келмоққа,  
Сизни олиб борайин, истасангиз кўрмоққа.

Алам билан Ойбека учрашувга отланди,  
“Чин бахтли”ни кўрай деб учмоққа қанотланди.

\* \* \*

Юриб-юриб икковлон бир кулбага етдилар,  
Ғарибгина ҳовлининг эшигини чертдилар.

Ҳоз-и-и-р, – деди бир овоз, майин эди куй янглиғ,  
Кулиб чиқди бир аёл, кўйлак, рўмол ямоғлиқ.

Меҳмон атои Худо, дарҳол ёзди дастурхон,  
Чой дамлади қоқидан, қатиқ қўйди, қора нон.

Хижолат ичра деди: Жоним фидо сизларга,  
Қанийди қўй сўйсайдик, меҳмони азизларга.

Уйга кирди, опичлаб чиқди кекса аёлни,  
Фаҳмлади меҳмонлар қўзидаги саволни.

- Булар қайнонам, – деди, саккиз йилки беморлар,  
Оёғу қўл, забон йўқ, лекин гули бехорлар<sup>1</sup>

Гўдакдайин беозор, онамдайин меҳрибон...  
Авайлабон ўтқизиб, сўнгра едирди таом.

Қўллар жонсиз, тил ҳам йўқ, кўзларда чуқур маъно,  
Лаблар пичирлаб айтар келин ҳаққига дуо.

Шу пайт бешиқда ётган кичкинтой берди овоз,  
Кўкрак тутди, эркалаб, суйиб этди сарафроз.

Оналик меҳрин қўшиб алла айтди мулойим,  
Оҳанг сеҳри айлаб лол, Ойбека дер: "Худойим,

Гўдак иси бунча хуш, алласи бунча ширин..."  
Армон ўти қалбини тирнаб ўтди яширин.

Она ечиб боласин, ортига боғлаб олди.  
Меҳмонларга қарай деб, ўчоқ сари йўл олди.

Ховлида ўйнаб юрган тўнғичини чақирди,  
Таомидан насиба ён қўшнига чиқарди.

- Бечора қўшним ёлғиз, фарзанди йўқ, эри йўқ,  
Ҳар кун йўқлаб турарман, дуоларин чеки йўқ.

<sup>1</sup> Гули бехор – тикансиз гул.



Сўнг меҳмонлар олдига қўйди икки косани,  
Жўхори ёрмасига таклиф этди ҳаммани.

\* \* \*

Меҳмон истаб-истамай, қўлга олди косани  
Татиб ҳайратда қолди, бундайин таъм-мазани.

Деди: – Ушбу таомга нима солиб пиширдинг?

Деди: – Гўшту ёғим йўқ, меҳрим қўшиб пиширдим.

Деди: – Қачон тинасан, юмушларинг бир жаҳон?

– Уйим тинч, хотирим жам, шу менга яхши ором.

– Янги либосинг қайда, зебу зийнатинг борми?

– Қадрү ҳимматим баланд, улар менга даркорми?!

– Умидинг не дунёдан, бахтлимисан дугона?

– Шукронада яшаймиз, бизга қайғу бегона.

Севимли ёрман яна, фарзандларга онаман,

Эрта тонгдан уйим деб, болам деб уйғонаман

Ҳалол нону сувимиз лаззатлидир паловдан

Бировдан ортиқмасмиз, кам эмасмиз бировдан.

Матлабимиз саодат, шиоримиз қаноат,

Аллоҳ ишқи юракда, қанотимиз ибодат.

Эрим деҳқон, далада, у рўзгорим тиркаги,

Оила бир бўстону, боғбон унинг эркаги.

Ҳар кун кутиб яшайман, кўзим йўлда интизор,

“Бахт” шудир бир аёлга, бундан ортиқ на даркор...

Меҳмонга айлаб таъзим, намозига шошди у  
Ойбеканинг қалбида янги дунё очди у...

\* \* \*

Соҳибжамол судралиб, эшик сари йўл олди,  
Жисми кетиб хаёли ўша аёлда қолди.

Чўрисига юзланиб, аламли кулди аста,  
Кўзларидан тўкиб ёш, пичирлади дилхаста:

“Манманлигу худбинлик кўр айламиш кўзимни,  
Оламда энг беармон аёл санаб ўзимни,

Жамолимга маҳлиё, баланд кибру ҳавойим,  
Хатойимни англатди, сен туфайли Худойим.

Отам-онам ўтдилар камолимни кўрмасдан,  
Бева каби бўлганман гўшангага кирмасдан.

Не-не барно йигитлар остонамга урди бош,  
Кибру ҳаво туфайли ҳеч ким бўлмади йўлдош.

Кошонада яшайман, кўнглим уйи хувиллар...  
Ёлғиз аёл ҳолини ёлғиз аёллар билар.

Раҳмат сенга, менга чин ҳақиқатдан бердинг дарс,  
Бойлигу хусну жамол аёл учун бахт эмас.

Асл бахтли шу аёл, меҳнатсевар вафодор  
Онадир у, энг улуғ мартабага сазовор!

Сабр соҳили

\* \* \*

Соҳибжамол шундан сўнг кечди шону “бахти” дан,  
Кибр дарёси узра қалқиб турган тахтидан.

Опа-сингил тутинди, жория бўлди озод,  
“Кўр кўзимни очдинг”, – деб ризо бўлди умрбод.

Ночорларга улашди, зебу зийнат тиллосин,  
Ибрат унга танитди, унутганин – Аллоҳин.



## ҲАЖ АРМОНИ

Узоқ ўтган замонларда дилбар аёл  
Ёлғизгина ўғли билан бева қолди.  
Бир бурда нон топмоқ эди амримаҳол,  
Она бутун иродасин ишга солди.

Фарзандига умид кўзин тикди аёл,  
Орзуларин дил тубига эқди аёл.  
Одамларнинг кирин ювди, молин боқди,  
Бир фарзанд деб умрин нисор этди аёл.

Йиллар ўтди, йигит ўсди ақли расо,  
Олди она қўлидаги меҳнатини.  
Онаи зор қариб қолди, қўлда асо,  
Кўрсам дерди дилбандимнинг роҳатини.

Аммо, ҳаёт шафқат билмас, кори ғалат,  
Яхшиларга доим тайёр жафолари.  
“Болам бахтин кўрсам дерди, бўлсам сиҳат”,  
Бироқ остин-устун бўлди дунёлари.

Шўрлик она оғзи ошга етганида  
Хасталаниб ётиб қолди, аҳволи танг.  
Табиб келиб, бошин чайқаб кетганида  
Ўғли томон имо қилди она аранг.

“Болам, – деди – сен кўзимнинг қароғисан,  
Шукр дейман борлигинга минг бор ўғлим.  
Зулмат умрим ёритган шаъмчироғимсан,  
Кетиб қолсам, куйма болам, ҳақдир ўлим!

Меҳнату ғам гул умримни адо қилди,  
Қўл оёғим энди жонсиз бир ҳолдаман.  
Шукр, Аллоҳ сендек ўғил ато қилди.  
Армонимни сен бажо қил энди, болам.

Сабр соҳили

Сенинг бахту иқболингни кўрсам дердим,  
Неваралар теграсида юрсам дердим,  
Айтинг дединг, майли айтай, насиб қилса  
Сенла бирга Макка сари борсам дердим...”

Она сўзин тинглаб бир “оҳ” урди йигит:  
“Сизда қўлу оёқ йўқдир, менчи омон!”  
Улуғларни чорлаб қалбин очди йигит,  
“Онам бемор, юрагида сўнгги армон...”

Фарзанд бўлиб онам учун нима қилдим?  
У мени деб чекди шунча дард машаққат.  
Тонгда “Макка қайдасан” деб йўлга тушгум,  
Ҳамқишлоқлар, сиздан дуо керак фақат.”

Қайтармоққа уриндилар: “Онанг беҳол,  
Узоқ йўлга дош беролмас, кўйгин ўғлим...  
Волиданга биз қарайлик, ҳажга сен бор,  
Йигит кўнмас, Эгам Раҳмон, очгай йўлим.

Ҳамқишлоқлар йигит қайтмас, ангадилар,  
хамроҳ дея халтасига солиб Қуръон,  
Топганларин йўл учун деб ғамладилар,  
Кимдир туршак, кимдир майиз, нону талқон...

Онахонни ювиб тараб, кўйлак, қабо,  
Кийгиздилар узоқ йўлга бўлди ҳозир.  
Ўғли келди, қучоғида юмшоқ мато  
Энди фақат қўлласин-да Эгам Қодир.

Орқасига опичлади волидасин,  
Мато билан айлангириб боғлаб олди.  
Хайрлашди, яна дийдор этсин насиб...  
Қишлоқ аҳли дуо айлаб, йиғлаб қолди.

Йигит хушвақт, кўтарганча онасини  
Гўё қанот пайдо бўлди, учиб борар.  
Онаи зор сийпаб жигар порасини  
Орқасидан маҳкамгина кучиб борар.

Мадори йўқ танасида мадор пайдо,  
Икки юрак бирлашди-ю, гуп-гуп урар.  
Эътибору муҳаббатдан яшнаб дунё,  
Суҳбат қизир, машаққатлар ортда қолар.

Ҳаж йўлида давом этар она-ўғил  
Шаҳру қишлоқ одамлари чиқар пешвоз.  
Она-ўғил шарафига дуо ўқир,  
Жонлиқ суйиб, нонлар ёпиб, айлар эъзоз.

Бир мамлакат подшоҳи жангга кетиб,  
Ололмаган экан она ризосини.  
Ботир йигит иқболига пешвоз чиқиб,  
Оёғига сочди кумуш, тиллосини.

“Мен онамни сендек эъзоз этолмадим,  
Бойлик, шуҳрат кўр қилганди кўзларимни...  
Подшоҳдан баланд турар сенинг қадринг,  
Рухсат бергин, кўзга сурай изларингни”

Камтар йигит кечди барча инъомлардан,  
Мухтожларга улашдилар барчасини.  
Дуо олди қанча мазлум инсонлардан,  
Ахир, дуо азиз қилгай бандасини.

Аллоҳ қўллаб, эл қўллади, кўрган, билган,  
Икки йиллик йўлни босди икки ойда.  
Маккатулло қучоқ очиб қарши олган,  
Ҳожилар ҳам пешвоз чиқди ўша жойга.

Каъба сари юзландию қобил ўғил,  
 Онасини орқасидан ечди шодон.  
 “Қодир Аллоҳ, ҳажимизни қабул қилғил,  
 Мана каъба, қўл очингиз, жон онажон.”

Она деди: “Шукр, келдим Каъбатуллоҳ  
 Ўғлим сабаб етдим эзгу муродимга.  
 Мен истадим, Сен қўлладинг, Роббим Аллоҳ,  
 Ўтинчим шу: Бахт ато қил зуредимга.

Бутун дунё оналарин бағри тўлиб,  
 Қониб ичсин фарзанд меҳрин булоғидан.  
 Ота-Она кўзин юмсин ризо бўлиб,  
 Ўзинг сақла, меҳрсизлик қийноғидан.”

Она ўғлин тиззасига бошин қўйиб,  
 “Ла илаҳа иллаллоҳ” деб топширди жон.  
 Минг-минг ҳожи кузатдилар Қуръон ўқиб,  
 Улуғ даргоҳ – Макка бўлди сўнгги макон.

Йигит доно пир олдига бориб деди:  
 “Онам қарзин узолдимми, пири расо?  
 Донишманд-чи, бош чайқади: Қани эди...  
 Она қарзин узолмагай ҳеч ким, асло!

Юзта ҳаждан улуғ эрур ризолиги,  
 Оёқларин тупроғидир асли жаннат.  
 Меҳнат қилиб, ҳалол яшаб, дуо олсанг  
 Онанг руҳи ризо бўлгай шунда фақат.

Бир кечалик алласига тенгдир, билсанг,  
 Сенинг қилган эзгу ишинг, аё ўғил.  
 Волидангнинг қарзин адо этмоқ бўлсанг  
 Умринг бўйи одамларга яхшилик қил!

## ТУШ САБОҒИ

Намоз тугаб ҳамма кетди,  
ёлғиз қолди Абдуллоҳ.  
Қибла томон қўлин чўзиб,  
нидо қилди: “Эй, Аллоҳ,

Шукр дейман обрўйим бор,  
айтсам ўтар сўзим бор.  
Уйим-жойим, аҳли аёл,  
яна олти қизим бор.

Анча бўлди, сўнг манзилга  
қўйдим ота-онамни,  
Шундан бери аёвсиз дард  
кемирмоқда танамни:

Вақтим етиб кетар бўлсам,  
ким топширар тупроққа?  
Одил Эгам, жавоб айла  
ушбу мушкул сўроққа.

Ўзинг Холиқ, Муҳайминсан,  
ҳам Барийу ҳам Жаббор,  
Ас Салому, ар Роҳиму,  
ал Қодиру ҳам Қаҳҳор.

Битта тирноқ ато айла,  
ато айла бир ўғил,  
Олти қизнинг қаторида  
раво айла бир ўғил”.



Кўзларидан ашкин тўкиб,  
тинмай қилиб муножот,  
Сўнгги чора, сўнгги умид  
– Аллоҳдан тилаб ҳожот,

Ғира-шира тонг палласи  
уйга қайтди паришон,  
Катта қизи эшик очди:  
“Келдингизми, дадажон?!”

Қаранг онам дард чекмоқда,  
топиб келинг дояни”.  
Ўзи бўлса чопиб кетди,  
чорлашга ҳамсояни.

Абдуллоҳ зуд кирди шунда  
хотинининг олдига,  
Ичи ачиб назар солди  
бечоранинг ҳолига.

Деди: “Хотин, етгинчиси  
ўғил бўлар иншооллоҳ...  
Яратгандан паноҳ тилаб  
деймиз, Алҳамдулиллоҳ.”

Шунда шайтон ғолиб келиб,  
ғазаб келди устувор,  
Бесуяк тил юракдаги  
дардин айлади ошкор:

“Аммо яна қиз бўлса-чи,  
билмадим, не этурман,  
Талоғингни аниқ бериб,  
бошим олиб кетурман.”

Шўрлик хотин бир “оҳ” урди,  
дард ичра айлаб фиғон:  
“Қиз-ўғилни Тангрим берар,  
менда не айб, не имкон?!”

Эр ғазаб-ла чиқиб кетди,  
олиб келди дояни,  
Ўзи эса макон қилди,  
тут остини – сояни.

\* \* \*

Уйқу ғолиб, тортиб кетди  
Абдуллоҳни домига,  
Бир туш кўрди, бориб қолмиш  
алҳол дўзах ёнига.

Етти эшик қатор эмиш,  
ичи оташ-аланга,  
Учқунлари сачраб ҳар ён  
ўқдек ботармиш танга.

Абдуллоҳ дер: “Ёраб, зарра  
учқунлари шу қадар,  
Олов тортса ўз бағрига  
менинг ҳолим не кечар?!”

Шунда олов торта бошлар  
маҳкумни ўз домига.  
Тўнғич қизи пайдо бўлиб  
қолди эшик ёнида.

Сайр соҳили

172

2792

Занжиота Акм

Олов тафтин нозиккина  
жисми билан қайтариб,  
Ёлворди у: “Отам бугун  
даргоҳингда бир ғариб,

Ғуноҳини кечир Эгам,  
оташ ичра ёнай ман,  
Отагинам омон қолсин,  
дўзахингда қолай ман...”

Эшикларнинг иккинчиси  
тортар, ташна қонига,  
Иккинчи қиз ора кирди,  
отасининг жонига:

“Қиблагоҳим танасига  
бирор учқун қўнмасин,  
Ғуноҳларин мен оларман,  
оташда у ёнмасин.”

Ожизгина тани билан  
тўсди эшик тафтини,  
Абдуллоҳ-чи ғоз кўтарди  
ёйдек эгик қадини.

Эшикларнинг учинчиси  
хўпларди вулқонига,  
Учинчи қиз йиғлаб турар  
шундоқ эшик ёнида:

“Дуо қилса фарзанд агар,  
ота бўлгай жаннатий,  
Жаннатий қил падаримни,  
гуноҳин кеч ё Раббий!”

Фарзанд сабаб Абдуллоҳга  
ҳеч етмади жароҳат,  
Эзгуликнинг қаршисида  
мулзам бўлди қабоҳат.

Нажот йўқдир, яна эшик  
торта кетди комига,  
Тўртинчи қиз чоғиб келди  
отағ эшик ёнига:

“Отажоним паноҳимдир,  
таянчим ҳам иймоним,  
Бир жонига садқа бўлсин,  
керак бўлса юз жоним.

Гуноҳига мен кафорат,  
кечир уни Аллоҳим,  
Сен яратдинг, мен туғилдим,  
қиз бўлганим гуноҳим?!”

Яна эшик, бешинчиси  
торта бошлар қаърига,  
Бешинчи қиз отасини  
ийғлаб босди бағрига.

“Худо рози, сиз сабабчи  
келдик ёруғ дунёга,  
Отажоним, ўзим қалқон  
сизга келган балога...”

Эшикларнинг олтинчиси  
торта бошлар бандани  
Абдуллоҳчи фарёд чекар:  
“Кечир, Худойим мани”

Олтинчи қиз – кичкинтойи  
тутди ота қўлидан,  
Дўзах ўти чекинди рост,  
ота-қизнинг йўлидан.

Оташ-олов зуд чекинди  
ботир қизлар шаштидан,  
Дўзах ўти ночор ўчди  
муҳаббатнинг тафтидан!

Абдуллоҳнинг кўз ўнгида  
олти фарзанд – олти жон  
Жаҳаннамнинг шиддатига  
қолдирмасдан ҳеч имкон,

Жаннат сари йўлладилар  
ота – гумроҳ бандани,  
“Қиз туғдинг” – деб фарёд қилган  
қаро юз, шармандани.

\* \* \*

Ўтди қанча фурсат,  
бирдан ота очди кўзини,  
Туш аталмиш ҳақиқатдан  
юла бошлар юзини.

“Эй Аллоҳим, ўзинг кечир,  
кирдим шайтон измига,  
Озор бердим аёлимга,  
гулдек олти қизимга.

Шукр, тушда огоҳ қилдинг,  
шайтоннинг иғвосидан,  
“Талоқ” сўзин буткула ўчир,  
тириклик дунёсидан.

Яна қиз бер, нолимасман,  
тавба қилдим Аллоҳим...  
Жон қизларим, афв қилинг  
отангизнинг гуноҳин!”

... Ичкаридан чақалоқнинг  
эшитилди “ингаси”,  
Кенг ҳовлида кезар шодлик,  
файзу шукуҳ нафаси...

Қиздир ўғил – бари фарзанд –  
яратганнинг инъоми,  
Сўзим тамом, сизга бўлсин  
Дилоромнинг саломи...

Сабр соҳибини

## СУЛАЙМОН ПОДШОҲНИНГ ҚИЗЛАРИ

Қизу ўғил фарзандлар  
бир кун етса вояга,  
«Бошин икки қилмоқ»лик  
фарздир ота-онага.

Сулаймон подшоҳнинг  
ёлғиз қизи бор эди,  
Муносиб куёв излаб  
аҳволи душвор эди.

Ўйлар эди, ота-да,  
ёлғизининг эртасин,  
«Кимга ишонай», – дерди,  
кўз қорасин – эркасин.

\* \* \*

Шаҳарга чиқди, турди  
катта гузар бошида,  
Салом бериб бир йигит  
ўтаверди қошидан.

«Ўғлим, – деди – юр, сени  
сийлаб айларман меҳмон,  
Бир оз суҳбатлашайлик,  
мунтазирдир дастурхон...

Бўйдоқ бўлсанг ғам ема,  
бир қизим бор – дилрабо,  
Маъқул тушса дидинга,  
сенга айларман раво».

Йигит узр сўради:  
«Зарур ишим кутмоқда,  
Манзилингизни айтинг,  
вақт топарман ўтмоққа».

Йигит кетди, отага  
оғир ботди бу аҳвол,  
Таклифим ёқмади деб,  
ўтирди суриб хаёл.

Чарчади кутиб-кутиб,  
шу пайт кўча бошидан  
Кўркам бир йигит ўтар,  
тавозеъ-ла қошидан.

«Тўхта, – деди, – эй ўғлон,  
юргин, бўлгин меҳмоним,  
Бўйдоқ бўлсанг, қизим бор,  
яхши куёв армоним».

Йигит деди: «Эҳ, афсус,  
мени биров кутмоқда,  
Ҳозир йўқдир фурсатим,  
уйингизга ўтмоққа».

Манзилни сўраб олиб,  
бўлди йўлга равона  
Сулаймон бир «ух» тортди,  
деди: Ўзинг ягона!

Шу бандангни бир қўлла,  
рахминг келсин, эй холиқ,  
Наҳотки, бир кимса йўқ,  
менинг қизимга лойиқ?!



\* \* \*

Саройига йўл олди,  
бир йигит бўлди ҳамроҳ,  
Меҳмон бўлмоққа кўнди,  
шукр, Алҳамдулиллоҳ.

Ота нияти холис,  
иш айланди ёмонга,  
Ваъдалашган йигитлар  
келар сарой томонга.

Сулаймонни тер босди,  
уч «куёв» кутар жавоб,  
«Лафзим нима бўлди» – деб,  
чин дилдан сўрар нажот.

– Ахир қизим битга-ку,  
уч йигит бунда ҳозир.  
Садо келди: Киравер,  
мушкулкушо Худодир.

\* \* \*

Уч йигитни етаклаб  
ҳовлига кирган замон  
Аллоҳ қудрати бирлан  
уч қиз бўлди намоён.

Сузилишиб ўлтирар  
парилардек ҳурлиқо,  
Бир-бирига хўп монанд,  
уч томчи сувдек гўё.

Сир бой бермай ҳукмдор,  
уч қизни ҳам узатди,  
Тўю томоша бериб,  
уй-уйига кузатди.

\* \* \*

Орадан ўтди ойлар,  
соғинди ул қизларни,  
Ота уйин тарк айлаб  
кетган лола юзларни.

Бирининг уйин топди,  
эр-хотин аҳил эди,  
Кетар чоғда куёви  
андиша ичра деди:

«Ношукрлик бўлмасин,  
ҳаммаси яхши, аммо,  
Отажон бизда бордир  
бир кичкина муаммо...

Хотиним гўзал, чаққон,  
рўзғорга хўп қарайди,  
Ҳайратим шу, баъзида  
худди итдек талайди».

Подшоҳ хушёр тортди,  
учта куёв келган кун  
Эшикда юрган ити  
бир лаҳзада бўлди гум<sup>2</sup>.

Аллоҳ қодир – бандасин,  
ўсалликдан қутқариб,  
Итини қўйган экан  
шул қизга айлангириб.

Сабр соҳил

<sup>2</sup> Гум – йўқолмоқ, ғойиб бўлмоқ.

«Энди, – деди куёвжон,  
пешонада бор экан,  
Маълумдирки, чиройли  
гуллар бўлмас бе тикан».

\* \* \*

Хайрлашиб йўл олди,  
иккинчи қиз уйига,  
Келин-куёв муносиб  
ақлу ҳушда, бўйига.

Меҳмон бўлди, кетар чоқ  
боқди куёв кўзига,  
Савол бериб, зил кетди  
унинг нолиш – сўзига:

«Ота, зимдан боқсангиз  
ҳаммаси жой-жойида,  
Аммо, қизингиз мушук  
каби талар гоҳида.

Мана, юзимга боқинг,  
бордир тирноқ излари».  
Ота қолди ҳайратда,  
наҳотки рост сўзлари?!

«Болам, – деди, ранжиманг,  
ҳар тўқисда бир нуқсон,  
Инсоф берса ажабмас,  
бироз чиданг, куёвжон».

Сўнг эслади, қутлуғ кун  
уч куёв келган замон,  
Муножот бўлиб қабул,  
уч қиз бўлгач намоён.

Мушуги йўқолганди,  
ити каби бедарак,  
Ўйлади адашгандир,  
бир куни қайтса керак.

Аён бўлди, ҳукмдор  
Ҳаққа қилгач тавалло,  
Шарманда бўлмоқликдан  
асрамоқ учун Аллоҳ,

Ит, мушукни қизларнинг  
суратига солганди,  
Бандасини қаро юз  
бўлмоқдан қутқарганди.

\* \* \*

Учинчи куёв уни  
қарши олди бахтиёр,  
Қайнотага айлади  
таъзим, ташаккур изҳор:

«Қизингиздан розиман,  
қўлласин сизни Эгам,  
Бахтли бўлсин деб мени  
сизга дуч қилган экан».

Сулаймон мамнун кетди,  
деди: «Шу қиз – ўз қизим».  
Ул икки куёвимга  
сабр бергин, бер тўзим.

\* \* \*

Аёллар бор ит феълли  
гоҳ-гоҳида таларлар,  
Мушук каби суйканиб  
товонингиз яларлар.

Шундай аёллар билан  
яшаётганлар бордир...  
Аждоди ит ё мушук  
бўлса, тадбир бекордир.

«Ит феъллигин» кечиринг,  
итнинг вафоси бордир!  
«Мушук»ларда баъзи бир  
дардлар давоси бордир.



## ҲАЛОЛ РИЗҚ

Ҳаким бориб Каъбага  
намоз ўқирди доим,  
Тилида бир сўз такрор:  
“Ҳалол ризқ бер, худойим”.

Намозхонлар ҳайратда,  
савол айлар бир меҳмон:  
“Не ҳикмат бор бу гапда,  
такрорлайсан, эй инсон?!”

\* \* \*

Ҳаким бошлар ҳикоя  
бошидан ўтганини,  
Неча йил олдин келиб,  
бир ҳамён топганини...

Қизил ҳамён ичида  
нақд минг тилла бор эди,  
Унга йўл кўрсатгани  
шайтон ҳам тайёр эди.

“Ол тиллани, ол – деди,  
топганинг сутдек ҳалол”  
Титраб турар Ҳакимжон,  
ҳар ён тортқилар хаёл

Шу пайт йиғлаб бир одам  
эмаклаб, титар тупроқ  
Ҳамён кўрган борми, – деб  
кўрганни айлар сўроқ

Саёр соҳили

Ҳақим чорлаб сўради:  
қанча ақчанг бор эди?  
Деди: ҳамёним қизил,  
минг тилла тайёр эди...

Ҳақим кулиб ҳамённи  
эгасига қайтарди.  
Мусофир-чи, йигитни  
қучиб, раҳмат айтарди.

“Ҳалол экан оғайни,  
бермасанг ҳам нетардим  
Савдо учун келгандим,  
бўзлаб қуруқ кетардим”

Ма, ўттиз тилла сенга,  
олгин, бўлсин ҳалолинг,  
Ҳалолдан ҳеч қисмасин,  
ёруғ бўлсин иқболинг.

Ҳақим кетди бозорга,  
мана энди пул ҳам бор.  
Бир қулжаллоб бақириб,  
чорлар эди харидор.

Тўрт-беш яшар болани  
сотмоқ истар “Кеп қолинг,  
Бу болада ҳикмат кўп,  
ўттиз тиллага олинг!”

Ҳақим ўйлаб ўтирмай  
берди ўттиз тиллани,  
Сотиб олди ҳамроҳ деб  
маъюс турган болани.

Бирга уйга қайтдилар,  
                                бола бўлиб ҳамхона,  
Етим йигитга гўё  
                                қариндош, ота, она.

Исми Муъминжон экан,  
                                уддалар ҳар юмушни,  
Ози доно, ҳам чаққон,  
                                билар ўқиш-ёзишни.

Ихлос билан ўргатди  
                                Ҳакимжонга хат-савод,  
Оқ-қорани таниди,  
                                Қуръон ўқиб, олди ёд.

\* \* \*

Бир кун икков бозорда  
                                юрардилар айланиб,  
Муъминжон йиғлаб деди:  
                                “Ака, мен қолдим таниб,

Ҳов анави юрганлар  
                                отамнинг одамлари,  
Излаб юрар эҳтимол,  
                                юртма-юрт кезиб мани.

Отам савдогар эди,  
                                беҳисоб давлати бор,  
Душманлари истарди  
                                уни қилмоқни абгор...

“Синдирмоқ” чун отамни  
                                мени бунда сотдилар,  
Қора нафс бандалари  
                                шундан ором топдилар.

Саҳр соҳили



Жон акажон, соғиндим  
юртим, ота-онамни,  
Оғзингизга сиққанин  
айтинг-у, сотинг мани...”

Ажрашиш оғир кечди  
бир-биридан иковлон,  
Савдогар йигитлари  
болани кўриб шодон,

Дарҳол санаб бердилар  
катта миқдор ақчани,  
“Ол, – дедилар – бу ҳалол,  
Эгам қўлласин сани”.

\* \* \*

Ҳаким бўлди “Ҳакимбой”,  
уй-жой қилди, еру мол,  
Узоқ йўлга отланди,  
Мўъминни истар хаёл.

Манзилни топиб борди,  
олиб совға-ю салом,  
Қучоқ очди савдогар,  
айлади кўп эҳтиром,

Таклиф қилди, Ҳакимнинг  
бўйдоқ эканин билиб,  
“Бир қизим бор берайин,  
истасангиз, тўй қилиб...”

Ҳақим кўнди, тез кунда  
    тўй ҳам бўлди, ҳамма шод,  
Қайнога – савдогардан  
    ризо бўлди умрбод.

Хотинин олиб қайтди,  
    ўз ватани – уйига,  
Сепларни ташиб туриб,  
    ҳамён тушди қўлига.

Таниш ҳамён... қиз деди:  
    “Бу отамнинг совғаси”  
Ҳақимжон бўлса ҳайрон,  
    санаб кўрди ақчасин,

Ўттиз кам минг тилла-ку,  
    бир пайт тошиб олгани,  
Эгасига қайтариб,  
    мукофотин олгани.

Ҳалол ризқ берди Аллоҳ,  
    бахт келтирди шу ҳамён,  
Айтар “Алҳамдулиллаҳ”,  
    умри бўйи Ҳақимжон.

Ҳар кун бориб Каъбага,  
    илтижо айлар дойим,  
Ризқ берсанг, бер, ҳамиша  
    ҳалолдан худойим.

### ҲУСАЙНИ УЗУМ<sup>3</sup>

Олтиндек товланиб Ҳусайни узум,  
Ҳаммани боғларга чорлаган чоғда,  
Ёдимга тушади марҳум амаким,  
Қачонлар қолдириб кетгани доғда...

Қиш чилласи эди. Амаким хаста,  
Ранги зардин кўриб ёшланди кўзим.  
Ҳолсизгина имлаб, сўради аста:  
“Бозорда бормикан Ҳусайни узум?”

Ўғли кириб қолди, буришди юзи:  
“Бор нарсани сўранг, илтимос, дада!  
Бизни ўйлайсизми, заррача ўзи...  
Ҳусайни неча пул шундай паллада?!”

Бемор пичирлади: “Кечиргин ўғлим,  
Бола бўлиб қолдим...” – чўкди сукунат...  
Минг афсус, ғафлатда қолдирди ўлим,  
Мен бозор боргани топганда фурсат.

Изласак ҳамиша баҳона бисёр,  
Истасак саҳрода ундирардик гул...  
Бир бозорга бормоқ шунчалар душвор,  
Бир шингил узумга зор ўтди кўнгил.

---

<sup>3</sup> “Ислом нури”, 1916 йил декабрь. Б. Раҳматуллаев ҳикояси асосида.

Ўлим ҳақ, ҳеч кимга маслаҳат солмас,  
Пушаймон тошини кўтармоқ малол.  
Ўша нурсиз кўзлар таъқибин қўймас...  
“Ҳусайни борми?” – деб берилган савол.

Эҳсон қилди ўғил, келди кўп одам...  
Таъзия аҳлига тиларлар тўзим.  
Ўғил фарёд чекар: “Бебаҳом, отам”  
Патнисда товланар Ҳусайни узум,

Дастурхонда сероб Ҳусайни узум.



## ИБРАТ

Қаҳратон қиш кирди, изиллар совуқ...  
Мулла Ҳаким, айлар Ҳаққа илтижо:  
“Эй худо, қор ёғар, менда этик йўқ,  
Ҳожатимни қачон айларсан раво?!”

Масжидга борди-ю, кўрди бир одам  
Икки оёғи йўқ, айлар ибодат...  
Уятдан қизарди Ҳаким ўшал дам:  
“Шу инсондан олсам бўлмасми ибрат?!”

Ҳаким айтар: “Ахир, кўзларим бино<sup>4</sup>,  
Шукр қилмайманми, қўл-оёғим бут.  
“Бер, бер”, демоқликдан тинмаймиз асло,  
Токим бизни йўқлаб келгунча тобут”.



<sup>4</sup> Бино – кўрувчи.

## КҮНГИЛ КҮЗИ

*Мўъминнинг фаросатидан қўрқинглар,  
чунки у Аллоҳнинг нури билан қарайди.  
Ҳадис.*

Аллоҳ уйин ҳикояларин  
Сўйлар эди Саййид Мир Кулол.  
Тингловчилар тасаввурларин  
Каъба сари етаклар алҳол.

Ғоят тиниқ тасвиру ташбеҳ,  
Маккатуллоҳ бўлар намоён.  
Бир муриди айлади хаёл:  
“Саййид Макка борганди қачон?!

Кўрган эмас Каъбани, аммо,  
Кўрганлардек ҳикоя айлар.  
Зиёратга бормаган, зеро,  
Борганлардан зиёда сўйлар”.

Сухбат тугаб, Ҳазрат муриднинг,  
Қўлин тутиб деди: “Эй инсон,  
Кўнгил кўзинг оч, осмонга боқ,  
Сен ҳам кўргунг Каъбани аён”.

Мурид шунда хижолат ичра  
Кўкка тикди ихлос кўзини.  
Пирларга хос каромат шу-да,  
Кўрди каъба ичра ўзини.

Сабр соҳили

“Пирим, – деди, – гуноҳим кечинг,  
Кўнгил кўзим тортмишдир хира.  
Ҳақ юзини кўрмоқлик учун  
Керак экан қалби бокира.

Кўрмоқ учун аввало ихлос,  
Кўнгил керак шишадек тоза.  
Мен чалғидим хаёлан бир оз,  
Раҳмат, олдим сиздан андоза”.

Сўқир кўзлар очилар қачон,  
Қалбимизга қачон тўлар нур?!  
Ўша дамда ҳақиқат аён  
Бошимизда Катъба кўринур.



## ЗИЁФАТ

Ҳиротда бир подшоҳ  
ёзиб тўкин дастурхон,  
Ҳазрат Баҳоуддинни  
айламоқ бўлди меҳмон.

Зиёфатга келганлар  
роса едилар таом,  
Фақат ҳазрат оғзига  
солмади бир ушоқ нон.

Шоҳ сўради: “Эй пирим,  
нечун туз тотмадингиз?”  
Баҳоуддин сўради:  
“Шоҳим, недур касбингиз?”

“Касбим йўқдир, – деди шоҳ, –  
шундай улуғ мартабам,  
Ҳукмдорман, эл дарди,  
қайғуси-ла яшайман.”

Баҳоуддин айтдилар:  
“Шаҳаншоҳлик касб бўлмас,  
Кўринг, Довуд – пайғамбар,  
аммо, текин нон емас...”



Темирчилик қилганлар,  
пайгамбари раҳнамо,  
Меҳнатсиз келган ошга  
қиё боқмаган асло!

Ҳалол ризқ топиб доим,  
тирикчилик қилганлар,  
Тириклик ҳаловатин  
касб нонида билганлар.

Бу нози нетънат қайдан,  
терламаган пешона!"  
Баҳоуддин шундай деб  
йўлга бўлди равона.



## ИХЛОС

Ўгли вафот этди-ю, ота қолди зор, нолон,  
Уни йўқлаб, соғиниб, йиғлар ҳоли паришон.

Кўплар айтар ғам чекманг, марҳум руҳи чирқирар,  
Ахир, фарзанд доғини бошига тушган билар...

Ота ухлаб тушида ўғлини кўрди, эй воҳ,  
Дўзах ичра азобда, қўрқиб турди: “Ё, Аллоҳ,

Гуноҳи не боламнинг дўзахда ёнар тани?”  
Кўрган туши аёвсиз қийнар шўрлик отани.

Уч кун юрди қийналиб, кўрди яна ажиб туш,  
Жаннат боғлари ичра юрарди ўғли сархуш.

“Ўғлим, – деди, – сени ким дўзахдан қилди халос?”  
Деди: “Ота, ишонинг, фақат сурайи “Ихлос” ...

Қабристондан ўтарда қўл очиб бир мусулмон,  
Аҳли қубур ҳаққига тиловат айлаб “Қуръон”,

Савобин бағишлади, қабристоннинг аҳлига,  
Ота, минг бор тасанно шу мўминнинг ақлига.

Менга ҳам тегди улуш, “Қул ҳуваллоҳ” баҳридан,  
Озод қилди шу сура жаҳаннамнинг қаъридан.”

Сабр соҳили

## ЧЎПОН ҲИКОЯТИ

Узоқ йиллар бир чўпон халқ молини боқарди.  
Меҳнат оғир, ҳалол нон топиб сочи оқарди.

Фақат меҳнат улуғлар ҳар яхшию ёмонни,  
Бир кун Абдуллоҳ Умар кўрмоқ бўлди чўпонни,

Биёбонга йўл олди, учратди қарияни,  
Ўйлади: “Ҳалол дерлар, бир синаб боқай қани...”

Деди: эҳсон савобдир, дуойимиз олтин бил!  
Қорним очдир, биродар, бир кўй сўйиб меҳмон қил”.

Қария деди: “Меҳмон, бу қўйлар меникимас,  
Камина мен, бир чўпон, имкон йўқ, сўрама, бас!

Бўлса менда ихтиёр ўнта қўйни сўярдим,  
Меҳмонга жоним фидо, худойига йўярдим”.

“Сўявер, – дер Абдуллоҳ, сўраб қолса хўжайин  
Бўри еб кетди дерсан, у ишонар, бу тайин!”

Чўпон кулди: “Эй нодон, хўжайинни алдарман,  
Кўриб турган Аллоҳга нима жавоб айтарман?!”

Абдуллоҳ кетди шодон, таҳсин айтиб чўпонга,  
Қанийди, ҳар мусулмон ўхшаса шу инсонга.

## ҲОВЛИ ОЛМА, ҚЎШНИ ОЛ

Абдуллоҳнинг яҳудий бир қўшниси бор эди,  
Шинамгина уйига кўплар харидор эди.

“Ҳовлинг нархи қанча” деб сўраб келди бир одам,  
Деди: “Уйим минг динор, икки мингта сотаман...”

Харидор дер: – “Минг” бериб майли, уйинг оларман,  
Лекин, яна минг динор не сабабдан тўларман?”

Уй соҳиби имлади “Мана қўшним ҳовлиси,  
Димоғингга ургандир хушбўй таомлар иси.

Қўшним олим Абдуллоҳ, уйида пишса таом  
Аввал лаганга солиб бизга илинар, ишон.

Кийим олса, яхшисин атар менинг боламга,  
Бу инсоннинг ҳиммати татир икки оламга.

Мен жухут<sup>5</sup>, у мусулмон, лекин ёт кўрмас асло,  
“Ҳовли олма, қўшни ол”, бизда ҳал бу муаммо.

Ҳар кун кириб ҳол сўрар, огоҳ менинг ҳолимдан,  
Унинг қадри минг чандон устун турар ҳовлимдан.

Омон бўлса шу қўшним, бир кун қайтиб келарман,  
Ўн минг динор десанг ҳам шу ҳовлини оларман”.

Харидор олар бўлди яҳудийнинг уйини,  
Санаб берди оғринмай унинг айтган пулини

Яна гап бор, яҳудий бир кун қайтиб келганмиш,  
Абдуллоҳга қўл бериб, чин мусулмон бўлганмиш.

<sup>5</sup> Жухут – яҳудий.

## ШАЙТОН ВА РАҲМОН

Шайтон айтар: Ўт баҳридан,  
керагинг йўқ унга сенинг.

Раҳмон айтар: Қўрқ қаҳридан,  
сабр эт дейди Яратганинг.

Шайтон айтар: Хор айлади,  
токай ахир жабру жафо?

Раҳмон айтар: Сабр айла,  
жафо қилса, сен қил вафо.

Шайтон айтар: Қаттик кўнгил  
то қиёмат юмшамагай.

Раҳмон айтар: Умид узма  
тупроққа бош қўйгунча, ҳай!

Шайтон айтар: Шу ҳаётми?!  
Бошинг олиб кет оламдан.


Раҳмон айтар: Фарзандларинг  
оналикни кутар сандан.

Шайтон у дер, раҳмон бу дер,  
мен қолибман аросатда.

Излаганга толе қайтар  
ҳеч бўлмаса қиёматда.

Қочиб шайтон иғвосидан  
Раҳмон сари югурғумдир,  
Бақдасига инсоф тилаб,  
кеча-кундуз юкунғумдир.

Аёл зоти -- ажиб хилқат,  
наноҳингда сақла, Эгам,  
Одамсурат шайтонлардан  
бандаларинг асра, Эгам.



Сабр соҳиди

## КЎШКИ-АЙВОН ОРЗУСИ

«Товус патли кўшки-айвон қуриб бер», – деб  
Хукмдорнинг хотини хўп солди ғавғо.  
Суюклигин илтимосин рад этолмай,  
Ўйда толди бошин ушлаб шундай подшоҳ...

Барча қушлар бошлиқларин йиғди бир кун,  
Кўшки-айвон муаммосин ечмоқ керак.  
Бойўгли-чи кириб келди ҳаммадан сўнг,  
Сўрадилар: «Кечга қолдинг, нима сабаб?».

Бойўгли дер: «Мени қийнар икки савол,  
Жавобини топдим охир ўйлаб-ўйлаб.  
Подшоҳ деди: «Билиб қўйсак зарар бўлмас,  
Саволингу жавобингни бергил сўйлаб».

Бойқуш деди: «Ўлик кўпми ёки тирик?»  
Соҳиб сўрар: «Бизга англлат жавобини»,  
Жавоби шу: «Тирик-ўлик ҳисобланар,  
Ўқимаган, ухлаб, «бомдод» номозини».

Иккинчи бир савол шундай: «Бу дунёда,  
Хотин кўпми ёки эркак? Оғир савол!  
Жавоб топдим, Хотин чизган чизиғида,  
Юрган «эрлар» ҳам аслида эрур аёл».

## НАФС

Абу Ҳозим машҳур шайх эди,  
Ўтаётиб дўкон ёнидан,  
Гўшт олай деб пулин санади,  
Афсус, ақча оз ҳамёнида.

Қассоб деди: “Зўр жойи қолган,  
Келинг, шуни сизга сотарман.  
Шайх хижолат: “Ақчам оз экан,  
Гўшт олмоққа кейин ўтарман...”

“Олаверинг, келинг, биродар,  
Еб кетмасиз, насяга берсам”  
Шайх дер: “Қарз гўшт егандан кўра  
Маъқулроқдир, нафсимни тийсам”.





## ОНА-БОЛА – ЖОНПАЙВАНД

Машхур Шайх Гургонийнинг  
хонақоси озода,  
Бир мушуги бор эди,  
ўхшаши йўқ дунёда.

Оёқ-қўллари доим  
ювилгандек, топ-тоза,  
Фаросатда олгандек  
уй аҳлидан андоза.

Шайхнинг ёнида ухлар,  
берсалар ер, қорни тўқ,  
Ҳеч нарсага дохилмас,  
нафси билан иши йўқ.

“Миёв” лаб гоҳ-гоҳида  
вақт ҳисобин айтарди,  
Жониворни ардоқлаб,  
шайх ҳам силаб-сийпарди.

Кутилмаганда “Мошхон”  
тарки одат айлади,  
Қозондан гўшт ўғирлаб,  
бир хиёнат айлади.

Такрорланди бу ҳолат,  
ошпаз тергаб урди дўқ,  
Мушук мулзам, аразда,  
шайх билан ҳам иши йўқ.

Хурпайибон, шумшайиб,  
бир бурчакда ўлтирар,  
Хайрон қолиб бу ҳолдан,  
шайх ходимдан гап сўрар...

Мушугини чорлабон,  
сўроқ қилди бу ҳолни,  
Севимлиси мўлтираб,  
ошкор этди аҳволни.

Оғзида тишлаб келди  
бирин-кетин уч бола,  
Энди хулоса сиздан,  
амрингизга ҳавола.

Шайх аҳволни англади,  
ошпаздан бўлди хафа,  
Мушуги бечорани  
мақтай кетди ҳамага.

“Фарзанд ғамида “она”,  
тарки одат айламиш,  
Оч қолмасин болам деб,  
шунга рағбат айламиш.

Зарурат бўлиб, ҳаром  
жоиз саналса бир он,  
Бола учун ўзини  
ўтга солмасми инсон?!

## ОНА-БОЛА – ЖОНПАЙВАНД

Машхур Шайх Гургонийнинг  
хонақоси озода,  
Бир муштуги бор эди,  
ўхшаши йўқ дунёда.

Оёқ-қўллари доим  
ювилгандек, топ-тоза,  
Фаросатда олгандек  
уй аҳлидан андоза.

Шайхнинг ёнида ухлар,  
берсалар ер, қорни тўқ,  
Ҳеч нарсага дохилмас,  
нафси билан иши йўқ.

“Миёв” лаб гоҳ-гоҳида  
вақт ҳисобин айтарди,  
Жониворни ардоқлаб,  
шайх ҳам силаб-сийпарди.

Кутилмаганда “Мошхон”  
тарки одат айлади,  
Қозондан гўшт ўғирлаб,  
бир хиёнат айлади.

Такрорланди бу ҳолат,  
ошпаз тергаб урди дўқ,  
Мушук мулзам, аразда,  
шайх билан ҳам иши йўқ.

Хурпайибон, шумшайиб,  
бир бурчақда ўлтирар,  
Хайрон қолиб бу ҳолдан,  
шайх ходимдан гап сўрар...

Мушугини чорлабон,  
сўроқ қилди бу ҳолни,  
Севимлиси мўлтираб,  
ошкор этди аҳволни.

Оғзида тишлаб келди  
бирин-кетин уч бола,  
Энди хулоса сиздан,  
амрингизга ҳавола.

Шайх аҳволни англади,  
ошпаздан бўлди хафа,  
Мушуги бечорани  
мақтай кетди ҳаммага.

“Фарзанд ғамида “она”,  
тарки одат айламиш,  
Оч қолмасин болам деб,  
шунга рағбат айламиш.

Зарурат бўлиб, ҳаром  
жоиз саналса бир он,  
Бола учун ўзини  
ўтга солмасми инсон?!

Ўргимчак зурёд учун  
шира ишлар оғзидан,  
Туғаб қолса бу таом,  
хўрак айлар ўзин ҳам.

Боласига жонфидо  
мушук ҳайвон сифатдир,  
Бу ишни одамзотга  
татбиқ этиш бидъатдир.



## ТАВБА

Хаёл суриб Ойша онамиз,  
Пайғамбарга бердилар савол:  
Савол-жавоб қилинмай, жаннат  
қирар қайси банда бемалол?

Пайғамбар дер: «Банда гуноҳлар  
ичра юрар билиб-билмасдан.  
Йиғлаб тавба қилганлар қирар  
жаннатига ҳеч қийналмасдан».



Сабр соҳиби

## ЖАННАТДАГИ ҚҰШНИ

«Жаннатдаги қўшним ким бўлар?» — дея,  
 Илтижо айлади Ҳазрати Мусо.  
 Аллоҳ саволига жавоб йўллади,  
 Пайғамбарга келди шундайин нидо:

«Бозорда гўшт сотар бир қассоб йигит,  
 Жаннатдаги қўшнинг бўлғуси ўша!».  
 Мусо айтди: «Қани, бориб кўрай-чи,  
 Унда не хислат бор шунга яраша?»

Бозорга борди-ю, қассобни топди,  
 Пайғамбар эканин сақлади пинҳон.  
 Йигит таклиф қилди: «Уйимга юринг,  
 Мазали гўшт билан айлайин меҳмон».

Сухбатлашиб икков уйга етдилар,  
 Мезбон қозон осиб, пиширди таом.  
 Сўнг деворга осиб саватни олди,  
 Унда ётар эди бир кампир, нимжон.

Йигит ул аёлнинг қўл-бетин ювди,  
 Овқат ҳам едирди, бўлиб меҳрибон,  
 Саватга ётқизиб, боз қуйди илиб,  
 Кампир пичирлади уч-тўртта калом.

Мусо сўрадилар: «Саватдаги ким,  
 Пичирлаб не деди, илғай олмадим?»  
 Йигит айтди: «Улар – онайи зорим,  
 Хизматини қилмоқ бурчим, одатим.

Бемордир, сўзлашга етмас мажоли,  
Аmmo ҳар кун Ҳаққа айлар илтижо:  
«Ўғлимдан розиман, Сен ҳам рози бўл,  
Жаннатда Мусога қўшни қил, Худо!».

Ўзини танитди Пайғамбар: «Дўстим,  
Аллоҳ сендан ризо, юборди хабар.  
Онанг дуосини айлади қабул,  
Жаннатда бўлгунгдир қўшним, биродар!».





## КАМТАРЛИК

Пинҳонлигини ошкор  
қилмоқни истаб Худо,  
«Инсон яратгум, – деди,  
ном берай «Одам Ато».

«Мендан яратгил», – дея  
ёлворгучи беҳисоб,  
Осомону тоғ, олтин, сув  
Аллоҳга айлар хитоб:

«Мен баландман, – дер осмон, –  
бепоёну юксакман».  
«Мендан ярат, – дер олтин, –  
мен барчага керакман».

Тоғ айтар: «Бағримда тош,  
бардошлиман, қувватли»,  
Сув шовуллар: «Менга боқ,  
мен қанчалар ҳайбатли»...

Ерга юзланди Аллоҳ:  
«Сен ҳам сўра эътибор!»,  
Тавозеъ-ла турар Ер:  
«Мен ҳаммадан заиф, хор,

Бағримдир қора тупроқ,  
ҳаддим йўқ таваллога...»  
Бу янглиғ хокисорлик  
маъқул тушди Худога.

Тупроққа дер: «Қарорим,  
сендан яратгум Одам,  
Токим сендай хокисор,  
камтарин бўлсин бандам!».

Эй Одамизот, аслинг  
тупроқ экан – обу гил,  
Шундай хилқат яратди,  
Унга тинмай сажда қил!

Камтар бўлганинг боис  
насиб этди дилдорлик,  
Кибру ҳаво душманинг,  
сенга ярашур хоксорлик.



## КИЧИК УЙЧАДАГИ КАТТА ҲАСРАТ

Данғиллама ҳовли, улуғвор, кўркам,  
Дарвоза эшиклар нафис, нақшинкор.  
Меҳмон бўлиб кирдик ҳовлига ўктам,  
Ажаб, бир чеккада кичик уйча бор.

Ўйладим, эҳтимол ўтинхона у,  
Ёки майда-чуйда сақланар унда  
Мезбон имо қилди, юзида кулгу,  
“Бизнинг волидамиз яшар бу уйда”.

Аввало, муҳтарам Онани истаб,  
Кўримсиз бу уйга қўйгандик қадам.  
Кир тўшак устида эшикка қараб,  
Она ётар бемор, кўзларда алам...

Чегаланган чойнак, эски паёла,  
Кир сочиқ устида совиб қолган ош.  
“Болам, меҳмонхона у ёқда”, – дея  
Имлади, кўзимга ҳалқаланди ёш.

Отаси урушдан қайтмади. Оғир...  
Емайин едирдинг, рангинг заъфарон.  
Ўғлингдан кутганинг шумиди, ахир,  
Кексайган чоғингда ҳолинг паришон.

Тўшакка қуладинг, ҳорғин, бемадор,  
Кўзларинг эшиқда, олмаслар хабар.  
Ўғиллар, келинлар обрўси бекор  
Оқсут берган она хўрланса агар.

Эй сен онаи зор, қадди дол, бемор,  
Сочинг оқарганда аҳволинг забун.  
Дуолар қиласан оқшому наҳор,  
Айт, фарзанд ўстирдинг қайси кун учун?!

Эй, танноз келинлар, қизлар, ўғиллар,  
Миллиардлар сарфлабсиз кошонангизга  
Базми жамшид қуриб, меҳмон кутгунча  
Мурувват қилингиз ўз онангизга.

Узр, уйингизда чой ичолмасман,  
Онанинг тақдири титроққа солди.  
Оналар хўрланса кечиролмасман,  
Суратим кетдию, сийратим қолди.



## ҲАҚИҚИЙ ОНА

Ҳазрат Али олдига  
икки аёл келдилар  
Бир гўдакни талашиб,  
“Менинг болам”, – дердилар.

Али кўрди хотунлар  
муросаси мушкулдир,  
Бу тахлит муаммода  
бир иш қилмоқ мақбулдир:

“Зулфиқоримни<sup>6</sup> келтир”,  
амр этди хизматкорга,  
“Бу хотунлар гап уқмас...  
вақтим кетар бекорга.

Болани икки бўлиб  
иккингиизга берарман”.  
Бир хотин дер: “Майлига,  
шартингизга кўнарман”.

Иккинчиси солди дод,  
тиз чўкиб оёғига:  
“Йўқ, асло бўлакманг,  
чидолмам фироғига...”

Тирик қолсин шу гўдак,  
даъвойимдан кечдим, бас!  
Беринглар шу “она”га,  
бу менинг болам эмас”.

<sup>6</sup> Зулфиқор – Муҳаммад С.А.В. Ҳазрат Алига инъом қилган қилич.

Шунда Ҳазрат аёлни  
ўрнидан турғиздилар,  
“Олгин бола сендан”, – деб,  
қўлига тутқаздилар.

Она йиғлаб йўртакни  
босди иссиқ бағрига,  
Ёлғончи она қолди  
халойиқнинг қаҳрига.



Сабр соҳили

## АЁЛЛАРГА ДОРИ

Донишманд олдиға келиб ёш жувон,  
Эридан шикоят айлабди чунон:  
“Эрим жоҳил эрур, қўпол, бадгумон,  
Мени ҳар кун урар, гап уқмас нодон”.

Кичкина тош бериб, донишманд деди:  
“Тил остингга ташла бошласа жанжал”.  
Хотин бу “дори”ни олди-ю кетди,  
Тил остига солди эр келган маҳал.

Дарғазаб эр кириб қичқира бошлар,  
Ажабки, хотини қайтармас бир сўз.  
Шаштидан тушди-ю, ғазабин ютди,  
Хонадон тинчиди, кечаю кундуз.

Афсус, ҳозир ўша донишманд қайда...  
Афсус, ўша тош ҳам топилмас, камёб...  
Қанийди, “жағёпар” бир дори бўлса,  
Осуда яшарди аҳли одамзод.



## АЛЛОҲГА ҚУЛЛИК

Бир қул сотиб олди Абдуллоҳ<sup>7</sup>,  
“Исминг нима?” -сўради ундан.  
Деди: “Сизга қайси ном маъқул,  
Ўша бирлан чақиринг, Хожам”.

Абдуллоҳ дер: “Қайси таомни  
Хуш кўрасан, не физо<sup>8</sup> берсам?”  
Деди: “Нима берсангиз, ўша –  
Яхши таом мен учун, Хожам”.

Шайх сўради: “Кўнглингга ёққан  
Кийимни айт, олай бозордан”.  
Деди: “Сиз қай кийимни маъқул  
Кўрсангиз, мен киярман, Хожам”.

Абдуллоҳ дер: “Касбинг нимадир,  
Хабар бергил касби-корингдан?”  
Деди: “Қай иш сизга мақбулдир,  
Ўша менинг касбимдир, Хожам!”

Яна сўрди: “Қай хунар яхши,  
Ризқ топардинг қайси хунардан?”  
Қул охири йиғлабон деди:  
“Қулда борми ихтиёр, Хожам?!”

Кўп қийнаманг, жавобим битта:  
Итоатдир ҳамиша корим!  
Мен бозорда сотилармидим,  
Бўлса эди гар ихтиёрим?!”

<sup>7</sup> Абдуллоҳ – Абдуллоҳ Ансорий.


<sup>8</sup> Физо – овқат.



... Ўзин ерга отди Абдуллох,  
Ёқасини чок этиб йиғлар...  
“Мен ҳам қулман, Хожамдир Аллох,  
Лек бир савол бағримни тиғлар:

Тайёрманми, эгам ҳукмига,  
Савол мушкул, жавоб шундадир.  
Баңдалиқни бу қулдан ўрган,  
Сенда борми ундаги сабр?

Қул Хожасин ҳукмида юрар...  
Мен қандайин қули Аллоҳнинг...  
Ҳақиқий қул ёнингда турар,  
Ундан ўрган хокисорликни”.



## ИСЛОМ

Абдухолиқ Гиждувоний  
олимларга раҳнамодир.  
Демишларким: “Ислом асли  
уч нарсада муҳайёдир:

Биринчиси огоҳликдир  
илми тоат ибодатдан,  
Иккинчиси олим асли  
шу илмга риоятдан.

Учинчиси ҳар амалким,  
сидку ихлос бирла этсанг  
Илму, амал, ихлос билан  
шак йўқ, мурудингга етсанг”.



## Кўнгил

Машхур шайхдан сўрадилар: “Қайси кўнгил  
Ором топиб, юксалар Ҳақ ризосидан?”

Деди: “Ул қалб тоза бўлиб ғубор-киндан,  
Узоқ юрса мунофиқлик дунёсидан”.

## Меҳмон

Ҳазрати Шайх ваъз ўқирди, шогирд сўрар:  
“Биз дунёда меҳмонмизми, ёки мезбон?”


Деди: “Асли меҳмондирмиз бу дунёга,  
Мезбон бўлсак, кетмоғимиз эмас осон.”

## Оқил

Сўрадилар, бир кун Абу Ҳозимдан:  
“Оқил ким, биз ибрат олайлик ундан?”

Деди: “Оқил – бойиб кетса, суюнмас,  
Молу давлат қўлдан кетса, куюнмас”.

Дназсоним-  
Маннаи,  
Мадинаи



## ОЙ ВА ҚУЁШ

Оталар мақсади нимадир ўзи,  
Ортимда қолсин, дер қиз-ўғлим – болам.  
Оналар тилида қасамдек сўзи:  
Фарзандим кўрмасин сира дард-алам.

Оталар яшайди не учун, ахир,  
Кўзларини тикиб қаро кўзларга?!  
Оналик заҳмати енгилми, оғир,  
Оналар, бу аён фақат сизларга.

Оналар не учун эрта қарийди,  
Тун қаро сочларин алмашиб оққа.  
Эрта-кеч интизор йўлга қарайди,  
Сиз уни ташламанг соғинч – фироққа.

Оталар не учун тинмайди, айтинг,  
Жисмида ҳис этиб арслон кучин.  
Ҳузурида мағрур бошингиз эгинг,  
Фарзанд деб жон нисор этгани учун.

Оналар не сабаб тўкмоқда кўз ёш,  
Оталар хўрсинар не сабаб, айтинг.  
Ота-онангиз-ку, ой ила қуёш,  
Сиз – тош юрак фарзанд, бир орта қайтинг.

Қуёшсиз яшамоқ мумкинми, асло!  
Қоронғу кечалар ойни сўраймиз.  
Ота-онамиздан олмасдан дуо,  
Аллоҳ ҳузурига не деб боргаймиз?!

## ЙИҒЛАМАЙМАН ЭНДИ, ОНАЖОН!

Тонг чоғи туш кўрдим, йиғларди онам,  
Кўллари дуода маҳзун бир ҳолда.  
Лаблари пичирлар: “Халлоқи олам,  
Менинг қизим нечун тушқун аҳволда?

Атрофида шунча дўсту қариндош,  
Ўғил қизлари бор, унга парвона.  
Рўзғори бут эрур, эри бор йўлдош,  
Нечун қайғуда у, недир баҳона?

Дунёда армонсиз яшамоқ душвор...  
Бошимдан қанча дард, аламлар ўтди.  
Шукр деб сабр этдим, кетмади бекор  
Мен эккан ниҳоллар вояга етди.

Ўғил-қизларимга тикдим кўзимни,  
Улар томон чопдим тополсам фурсат.  
Қанча синовинг бор, сина ўзимни,  
Фарзандларим бахтли яшасин фақат.

Руҳимда ором йўқ, йўқолди тинчим,  
Қизим нечун йиғлар, нажот бер эгам!  
Сенга ёлвораман, шудир ўтинчим,  
Мен ўтдим, бахтиёр яшасин болам!”

Сесканиб уйғондим, жисмимда титроқ...  
Бу туш эмас, гўё аниқ ҳақиқат.  
Онам ўлганлари рост эди, бироқ,  
Уйқумда кўрардим тахт узра фақат...

Бугунчи?! Ўзимдан уялдим рости,  
Майда-чуйдаларга сиқилиб чунон.  
Онам руҳин нотинч айладим чоғи...  
Гуноҳим кўринди тушимда аён.

Онам руҳи учсин арши аълога,  
Отам руҳи бўлсин десанг гар шодон,  
Ўралашиб қолмай бу тор дунёга,  
Ғаму ташвишларга бош эгма, инсон.

Тонгни қаршиладим шукрона билан,  
Онам қабри томон солдим йўлимни.  
Волидамнинг руҳин безовта қилган  
Дунё ташвишига силтаб кўлимни.

Ҳаёт инсон учун бебаҳо неъмат,  
Руҳингиз шод айлаб яшайин фақат...  
Энди йиғламайман, сира, онажон!  
Энди йиғлатмасман сизни, онажон!



## КУЛИШЛАРИНГ ДАН

Баҳор янглиғ яшнар дунё жилмайганинда  
Шўх-шўх ўйнаб эсар сабо жилмайганинда.  
Бош устига қўнар Ҳумо жилмайганинда.  
Сенинг кулгинг онанг учун мўъжиза, байрам,  
Гўдаккинам, ўргилайин кулишларингдан.

Бу оламда ўзи кулгу камайгани рост,  
Кувонч отлиғ ажиб туйғу камайгани рост,  
Она истаб қанча чехра сарғайгани рост,  
Сен яйрайвер, бегонадир сенга бундай ғам,  
Гўдаккинам, ўргилайин кулишларингдан.

Мен онаман, муқаддасдир бу ном мен учун,  
Фарзанд билан ушалур ҳар армон мен учун,  
Фарзандим, сен баҳоси йўқ инъом мен учун,  
Сен кулсанг бас, кулгин, болам онанг учун ҳам,  
Гўдаккинам, ўргилайин кулишларингдан.





## МОЗИЙ СОҒИНЧИ

Бу ғариб бошимни бағринга қўйиб  
Оқ тонг қадар суҳбат қилмадим нечун?  
Бир умр савобу жаннат қидириб  
Жаннат-Сен эканинг билмадим нечун?!

Дўсту дугоналар суҳбати дилбар,  
Сенинг суҳбатинга чопмадим нечун?  
Аллоҳдан ризолик тилаб ҳар саҳар,  
Сенинг ризолигинг топмадим нечун?!

Она бўлиб ўзим, масруру шодон,  
Боламни оқ ювиб, оппоқ тарадим.  
Сен-чи, йўлларимга ҳар кун нигорон  
Қай коринга фарзанд бўлиб ярадим...

Энди тушларимда сени кутаман,  
Дийдоринга тўйиб қолмадим нечун?  
Соғинчдан сарғариб қонлар ютаман,  
Не қилай, Сени бир кўрмоқлик учун?

Мана, нам тупроққа айландинг, онам,  
Тупроққа дардларим айтиб йиғлайман.  
Эртани интизор кутар бу олам,  
Мен бўлсам мозийга қайтиб йиғлайман.

Онамни соғиниб йиғлайман...

## ИЛТИЖО

Қўлларимни очиб ёлвориб,  
Одамлардан меҳр сўрадим.  
Онам қўлин тафтини қўмсаб,  
Ўз юзимни ўзим силадим.

Ғазаб тиғи юракка ботса,  
Ўша масрур дамни эсладим.  
Бутун умри ғамбода ўтган,  
Муштипар онамни эсладим.

Қовоқлардан ёққан қорларни,  
Нигоҳи-ла эритган онам.  
Қалби каттиқ пурвиқорларни  
Ардоғи-ла илитган онам.

Фарзандларин йўлига интиқ,  
Остонада мизғиган онам.  
Ҳамхонаси талабчан, инжиқ...  
Кўнгил олиб тўзғиган онам.

Заҳар ютиб асал едим деб,  
Минг бор шукр айлаган онам.  
Аслида бир етим эдим деб,  
Ҳақ асрорин англаган онам.

Эртанги кун умидларини  
Бир зумда тарк этдингми, она?!  
Қадр билмас, қақроқ қалбларга  
Меҳр экиб кетдингми, она!

Қачон унар меҳр гуллари,  
Олам тўлар ифорларидан.  
Хушомадлар... беҳуда бари,  
Тўйдим дунё дилдорларидан.

Айтиб-айтиб дардим йиғласам,  
Юпатгучи қоғоз ва қалам.  
Онам берган бир тасаллини  
Беролмайди бутун бир олам.



## САБР СОҲИЛИ

Сабр соҳилига бориб қолгандим...  
Кутдим, кутавердим, йиллар ўтдилар.  
Онам кутган соҳил, ҳам момоларим  
Менга боқиб йиғлаб, йиғлаб ўтдилар.

Тоқатим лойқалар шайтони лаъин:  
“Дунёга бир бора келгансан, меҳмон”.  
Йўлимда кўндаланг онам, тинмайин  
Айтади: “Болам, у – ноумид шайтон”

Кутдим, кутавердим, йиллар кетидан  
Йиллар ўтаверди, оқарди соч ҳам.  
Изма-из юрардим умид ортидан,  
Қўлларим тутдилар ўғил, қиз – болам.

Аёл жони қирқта деганлар, бекор,  
Юз жонни уладим яна юз жонга.  
Ғанимлар ҳайратда: ё тангрим, Саттор,  
Тоғдек сабр қайдан нозик инсонда?

Неча қоқилдим, неча йиқилдим,  
Аллоҳ бардош берди, турдим оёққа.  
Умид етаклади, толдим, сиқилдим,  
Таваккул йўл бўлди нурли чироққа.

Онам ўтган соҳил – сабр соҳили...  
Сен бахт-саодатга остона манзил.  
Аллоҳим, сўлганда ҳаётим гулин  
Сабр диёрига илдизин қўйгил.

## ИККИ ДУНЁ САОДАТИ

Гар истарсан саодати икки дунё,  
 Ҳаётимда бўлсин десанг мазмун-маъно,  
 Авлиёсан, ёки олим, шоҳми, гадо,  
 Волидангнинг хизматидир қарзи худо,  
 Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Ҳеч ким боқмай қўйганда ҳам суйган ўша,  
 Оёғингга тикан ботса, куйган ўша,  
 Бемор бўлсанг, бош устингда турган ўша,  
 Волидангнинг хизматидир қарзи худо,  
 Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Сенга сўрар эртаю кеч ибодатда,  
 Тенг келолмас ҳеч ким меҳру садоқатда,  
 Рози қилсанг, шу энг олий саодат-да!  
 Волидангнинг хизматидир қарзи худо,  
 Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Кексайганда мисли гўдак меҳрга зор,  
 Отанг сенга соғлиқ сўрар, ўзи бемор,  
 Онасини хўрлагандан худо безор,  
 Волидангнинг хизматидир қарзи худо,  
 Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Сенга атаб иморатлар қурар бу – бахт,  
 Фариштадек ёнгинангда юрар бу – бахт,  
 Дуосин ол, қарғиш олиб бўлма бадбахт  
 Волидангнинг хизматидир қарзи худо,  
 Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Ширин тушлар кўриб ётсанг сен бепарво,  
Ризқинг учун чопар, битмас кори дунё,  
Сен уларга умр сўраб қил илтижо,  
Волидангининг хизматидир қарзи худо,  
Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Ишинг юрмай, ҳолинг забун, олдига бор,  
Дўстлар қочиб, қолсанг маҳзун, олдига бор,  
Алам ўтиб, бўлсанг мажнун, олдига бор,  
Волидангининг хизматидир қарзи худо,  
Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Оқ сочларин силаб ўтар субҳи-сабо,  
Умр бўйи хизматингда, қилмас даъво,  
Гар ҳаётда бўлмай десанг бахтиқаро,  
Волидангининг хизматидир қарзи худо,  
Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

Толё кулиб боққанда биз сархушу маст,  
Ота-она ғаниматдир, эсга келмас,  
Ахир, улар ўрнин ҳеч ким боса олмас!  
Волидангининг хизматидир қарзи худо,  
Аллоҳ рози бўлар, отанг бўлса ризо.

## ТОНГДА БИТИЛГАН ШЕЪР

Гўдагим алаҳлаб чиқди тун бўйи...  
 Тонггача термулдим бошида уйғоқ.  
 Бешикка ҳорғин бош қўйдим, шу куйи  
 Онажон! Чорладим, товушим титроқ,  
 Ўксиниб йиғладим, чиқармай сасим,  
 Мен сизни шу лаҳза кўрмоқ истадим.

Паришон руҳимга сиз юпанч гўё,  
 Бунчалар безовта, тинмайди юрак?!  
 Тунда айтган аллам фиғонимми ё,  
 Онажон, қанчалик зўр бардош керак...  
 Сўрадим: еткурғил дийдор муждасин,  
 Мен сизни шу лаҳза кўрмоқ истадим.

Сиздан кўчирмадир айтган сўзларим,  
 Юришим, қулишим, садоқатим ҳам.  
 Йўлларга термулган ёшли кўзларим,  
 Ҳаммаси, ҳаммаси сизники онам!  
 Ниятим ҳам ўхшаш: Болам яшасин,  
 Мен сизни шу лаҳза кўрмоқ истадим.

Тонг отди, янгитдан ёришди дунё,  
 У қандай фараҳбахш, қанчалар сокин...  
 Тонг сизга ўхшайди, ёруғ, мусаффо,  
 Тонглар отаверар, сиз йўқсиз лекин...  
 Соғиндим ҳамдардим, ҳам ҳаманафасим  
 Онажон, мен сизни кўрмоқ истадим.

## Саодат

Соғинганман сизни, фариштам,  
Хаёлингиз билан яшайман...  
“Омонмисан, жон болам”, – деган  
Саволингиз билан яшайман.

Ҳеч бир ишга бормади қўлим...  
Онам уйи қанчалар йироқ.  
Билмам, қай кун очилар йўлим,  
Билмам қачон тугайди фироқ.

Тонг саҳардан ҳар ён чопарман.  
Қуриб кетсин, шу битмас юмуш,  
Билмам қачон ором топарман.  
Ташвишларинг бунча кўп турмуш...

Боролмадим, қўл-оёқ боғлиқ,  
Қучоғимда йўргагим – болам.  
Мен онамни кутиб яшайман  
Онасини кутгандек онам.

Муштипарим... онасиз ўсган,  
Мусибати – кутса ҳам келмас.  
Саодатим – кутиб яшайман,  
Фарзанд учун шунинг ўзи бас!



## ОНАЖОНИМ – МАККАМ, МАДИНАМ

*“Волидам, Маккам Мадинам,  
меҳрибоним қайдасан?”  
Бобораҳим Машираб*

Меҳру шафқат бобида,  
айтинг, ким онамдай бўлур,  
Кимнинг бағрига қўяй бош,  
менга ким сандай бўлур,  
Кетдинг она, қайси бир ғам  
энди бу ғамдай бўлур,  
Лабларим кулган маҳал ҳам  
қўзларим намдай бўлур,  
Онажон, Маккам Мадинамсан  
десам, камдай бўлур.

Рўзгор бир мамлакатдир,  
она бор – султони бор,  
Онаси бор бўлса кимнинг,  
жаннату ризвони бор,  
Ул ҳаёт карвони йўлда,  
она бор – сарбони бор.  
Ҳеч балодан қўрқмагай у,  
она бор – қалқони бор.  
Онажон, Маккам Мадинамсан  
десам, камдай бўлур.

Яйраб ўсган хонадоним  
энди Саҳройи Кабир.  
Эслаюрман ҳар фазилат,  
ҳар сифотинг бирма-бир  
Энди кимман, бир етим,  
дардкаш қидирган бир фақир...  
Ёлворармар, онажоним,  
лоақал тушимга кир,  
Онажон, Маккам Мадинамсан  
десам, камдай бўлур.

Ким тавоф айлар қабрни,  
ким эса майхонани,  
Ким онам деб йиғласа,  
ким излагай жононани,  
Мендан ҳеч ким ҳол сўрмас,  
ким сўрар девонани  
Энди қайдан ахтарай,  
қайдан топарман Онани?!  
Онажон, Маккам Мадинамсан  
десам камдай бўлур.



## ОНАМГА МАРСИЯ

Ҳар кун бориб, видо куни  
боролмадим онажоним,  
Энг сўнги дам бошгинангда  
туролмадим онажоним,  
Не орзунг бор, не армонинг  
билолмадим онажоним,  
“Мендан розимисиз,” – дея  
сўролмадим онажоним,  
Келгин энди, тушларимда  
розинг айтгин онажоним,  
Бесару бесомондурман,  
қўлим тутгин онажоним.

Сенга лойик, асл фарзанд  
бўлдимми, ё бўлолмадим?  
Узоқ йиллар термулдим,  
дийдорингга тўёлмадим  
Гўдак каби “соғиндим” деб  
йиғламоқдан уялмадим,  
Алам-алам, сўнги дамда  
бағринга бош қўёлмадим,  
Келгин энди, тушларимда  
розинг айтгин онажоним,  
Ғариб бошим қайга урай,  
қўлим тутгин, онажоним.

Бемор бўлдинг, тилинг забун,  
юрак дардинг кўзда аён.  
Ох, демоққа ийманасан,  
термуласан дадам томон.

Мулла “Ёсин” ўқимоқда,  
нажот бергин, эй художон!  
Опаларим, ёлғиз акам  
илтижоси бўлди армон.  
Келгин энди, тушларимда  
розинг айтгин онажоним.  
Энди ўзинг далда бергин,  
қўлим тутгин онажоним.

Ҳовли-ҳарам хувиллайди,  
ул муштипар онам қани?!  
Кулишлари, юришлари,  
ҳар сўзи бир олам қани?!  
Ҳали бардам, мустаҳкам деб  
суянган ул қоям қани?!  
Ҳамсуҳбатим, ҳамдарадгинам,  
бошимдаги соям қани?!  
Келгин энди, тушларимда  
розинг айтгин онажоним,  
Етимдурман, бошим силаб,  
қўлим тутгин онажоним.

Қабристон тинч, онагинам  
учун мангу макон бўлди.  
Дарду ғамлар, ташвишлардан  
қўл ювдию, ором бўлди.  
Отам йиғлар, энди излар,  
онам руҳи равон бўлди,  
Меҳрингдан ҳеч тўёлмаган  
Дилоромга ёмон бўлди.  
Келгин энди, тушларимда  
розинг айтгин онажоним!  
Дуо қилмоқдир имконим,  
қабул эттил онажоним!

## КЕЧИРИМ

Бу гал яна кечир, волидам,  
Ташвишларга ботган қизингни.  
Қалби зардоб бўлиб соғинчдан  
Кўзларидан оққан қизингни.

Соғинтирдим, етказдим озор.  
Узоқ-узоқ йўллар баҳона.  
Бўлолмадик дийдор бадийдор,  
Ишга боғлиқ кўллар баҳона.

Маърузалар ўқиймиз ҳар кун:  
«Ота-она ризолиги – бахт»  
Сени бориб кўргали лекин,  
Тополмадим гоҳ-гоҳида вақт.

Байрам надур — сенга йўл топиб,  
Кўксинг узра бошимни қўйсам.  
Жаннат улдур — изларинг ўпиб,  
Тупроғини кўзимга сурсам.

Ўткинчими меҳру муҳаббат...  
Ўткинчими ўзинг ҳам, она!  
Бемор эдинг, гоҳида сиҳат,  
Сен мангу деб ўйлабман, она!

Бу гал яна кечир, онажон,  
Ночор қизинг гуноҳга ботди.  
Соғинч билан тунлар паришон,  
Умид билан тонглари отди.

Беайб бўлмас оламда инсон,  
Гуноҳларга ботган дунёдир.  
Узрим қабул айла, онажон,  
Сенинг афвинг афви худодир.

Изларингни излайман энди,  
Тополмайин бўзлайман энди...  
Жаннатимнинг қадрига етмай  
Яна жаннат кўзлайман энди.

## ОРЗУ

Онажон, ўзингсан бахт-саодатим,  
Ўзингсан йўлимни ёритган қуёш.  
Мадҳингни шеърларда куйламоқ аҳдим,  
Меҳринг қаршисида эгажакман бош.

Юзларингда кўрсам қайғу соясин,  
Менга кўчса дейман қалбингдаги дард.  
Онажон, чехрангдан кулгу ўчмасин,  
Порлоқ кунларингни қопламасин гард.

Ишонгин, Сен борсан, Сен шодсан ахир,  
Жаҳонни тутгандир қуёш ёғдуси.  
Сени бахт-иқболга ўрасин тақдир –  
Бу менинг орзуйим, қизинг орзуси.

## ФАРЗАНДЛАР НИЯТИ

Менинг-чун сен ўзинг борсан,  
бу оламда не ғам бўлсин?  
Дилимда бўл мудом ҳоқим  
ва ҳамроҳим қалам бўлсин.

Агар кўнглинг сиёҳ бўлса,  
агар чехрангда мунг бўлса,  
Умидим, Сенга озор берган  
инсон боши ҳам бўлсин.

Агар сайр этмаган бўлсанг,  
кўринган ушбу гулшанда,  
У қандай боғ бўла олсин,  
у қандай ҳам чаман бўлсин.

Табассум бирла бахтингдан  
бўларман қанчалар хушнуд,  
Ҳаётда бахтли давроним  
шу он бўлсин, шу дам бўлсин.

Дилором шеърият боғида  
сенга деб терар гуллар,  
Терарман, то тирикман,  
гулларим хўб ранг-баранг бўлсин.

## ОНАЖОНИМ

Йироқдаман ҳар кун кўрмоқ  
армон бўлган онажоним,  
Йўлларимда кўз ёшлари  
равон бўлган онажоним.

Қайда бўлсанг, омон бўлгин, –  
дея маъюс кузатарди,  
Сўнг ортимдан йиғлаб кўнгли  
вайрон бўлган онажоним.

Нопок билан ҳамдам бўлсам,  
ризо бўлмас икки дунё,  
Яхши билан ўйнаб қулсам  
хандон бўлган онажоним.

Шафқатсизлик, ноҳақликни  
кўрганида бағри ёниб,  
Бу кенг дунё кўзларига  
зиндон бўлган онажоним.

Хаста бўлсам бошим узра  
оқ тонгларни қарши олган,  
Қайноқ меҳри ҳар дардимга  
дармон бўлган онажоним.

Бахтиёрман, неки мақсад  
қилар бўлсам бўлди ҳосил,  
Орзуларга етмоқ учун  
имкон бўлган онажоним.

Оқ сочларинг толасини  
тўтиёдек кўзга сургум,  
Дилоромнинг қалб мулкига  
султон булган онажоним.



## ЙЎҚЛОВ

Оталиклар, оналиклар,  
Баланд дор бошида ўйнар.  
Отасизлар, онасизлар,  
Дастурхон бошида йиғлар.  
Халқ қўшиғидан

Алам, дод, бевафо дунё, фақат коринг жафо дунё.  
Ота-онамдан айирдинг, куним бўлди қаро дунё.

Отам алп, пурвиқор эрди, онам мисли баҳор эрди,  
Баҳорим, пурвиқоримдан айирдинг, алвидо энди.

Отам десам тилим куйгай, онам десам дилим оғрир.  
Отам-онамдан айрилдим, гуноҳим не манинг охир...

Чаман боғлар, баланд тоғлар, кўриб ҳолимни  
йиғлайдур.

Кўзим гирён, танам бирён, онажоним кўринмайдур.

Фиғону ноалар қилсам, фалак бағри сўкилгайдур.  
Қабр устига кўзимдан юрак қоним тўкилгайдур.

Отам деб йиғласам арзир, онам деб бўзласам арзир.  
Кўринган ҳар мусулмонга сифотин сўзласам арзир.

Отамни ёд этай дўстлар, онамни ёд этай дўстлар.  
Ўқиб қуръон, улар руҳин ҳамиша шод этай дўстлар.

Отам жаннатда юргандур, онам жаннатда юргандур,  
Бу дунё заҳматин чекди, унда роҳат буюргандур.

Отажонимни раҳмат қил, онажонимни раҳмат қил.  
Соғиндим, кўп дуо қилдим, дуойимни ижобат қил.

## РИЗОЛИК

Йўлларимга чиқардингиз,  
келарми деб Дилоромим.  
Соғинганда боролмасдим,  
баҳонам эрди имконим,  
Юрак бағрим эзар бир тош,  
будир сўнги пушаймоним,  
Рўзи маҳшаргача энди  
мени ўртар бир армоним,  
Сизни рози қилолдимми,  
айтинг энди, онажоним?

Расулуллоҳ ўтиб кетди  
онасин интизоринда,  
Машраб фарёд уриб ўтди  
она меҳрин хуморинда,  
Нидо келгай: ризосин ол,  
онанг олдинда боринда.  
Рўзи маҳшаргача энди  
мени ўртар бир армоним,  
Сизни рози қилолдимми,  
айтинг энди, онажоним?

Соғиндим мен, кўрай дерман,  
онанг жаннатдадир дерлар,  
Ғаму дардни чунон чекди,  
унда роҳатдадир дерлар,  
Онасин мангу деб ўйлаб  
авом ғафлатдадир дерлар.  
Рўзи маҳшаргача энди  
мени ўртар бир армоним.  
Сизни рози қилолдимми,  
айтинг энди, онажоним?

## ҚИЁС

Кўнглимга ҳатто бир қил ҳам сиғмади...  
Ташвишлар хаёлим айлади асир,  
Онажон, сен сари йўл олдим шу он,  
Азалдан малҳамсан дардимга, ахир!

Мана эшигимиз, остонада сен,  
Жилмайдинг, ёришди дилдаги туман.  
Сени қуёш дейму, ёки оймусен,  
Нимага қиёслай, онажонгинам!

Ой зулматли туннинг ёритувчиси,  
Қуёш нурларидан жонланар олам.  
Сен ойдан равшансан, қуёшдан нурли,  
Қиёсинг йўқ сенинг, Онажонгинам!



## ТЕМУР

“Менга қилич олиб беринг”, – деб,  
Бобосига ялинар Темур.  
Ўйинчоқни отиб юбориб,  
“Ҳақиқийси керак”, – дер нуқул.

Темур бобонг жанг қилиб бўлган,  
Қўйгин энди тинч бўлсин олам.  
Қиличи ҳам тарихда қолган,  
Сенга қилич на даркор, болам.

Сенга китоб олиб келдим, ол!  
Китоб бўлсин қилич-қалқонинг.  
Гар қўлингда бўлса шу “қурол”,  
Сен ғолиб, тинч Бобокалонинг.



## ДИЛНУРАХОНГА

Сен умрим боғида яна бир чечак...  
 Олам сархуш бўлди ифорларингдан.  
 Баҳор ҳадя қилди райҳон бир этак;  
 Бу баҳор ўзгача баҳорларингдан.  
 Мен ҳам яшнаб кетдим, яшардим яна,  
 Қалбимга нур бўлиб кирдинг, Дилнура.

Сен умрим боғида очилган чечак...  
 Тийрон кўзчаларинг маъсум, бокира.  
 Энди сен учун ҳам яшашим керак,  
 Мен қайта туғилдим, масрурман қара!  
 Аллоҳга шукрона юз бор, минг карра,  
 Сени тухфа қилди, хур қиз Дилнура.

Сен умрим боғида бебаҳо чечак...  
 Раъною райҳоним, лоламсан қизим.  
 Чарчасам, толиқсам сен менга тиргак,  
 Йўқотганим: отам, онамсан қизим.  
 Улғайгин, элу халқ корига яра,  
 Маржон шодасида дур қиз, Дилнура.

Сен умрим боғида энг нозик чечак...  
 Отангни бобонгга боғлаган занжир.  
 Тақдир шамоллари қилмасин эрмак,  
 Бойлик, зебу зийнат этмасин асир...  
 Фарзанд бўл, яхшилар ичра энг сара  
 Булбул тўла боғда гул қиз, Дилнура.



## УМИД

Умид, сенга термуламан зўр боласан,  
Гўдаксану, катталарга сабоғинг бор:  
Қўлингдадир мудом қоғоз билан қалам,  
«Меҳр расмин чизиб бер», – деб сўроғинг бор.

Умиджоним, билсанг меҳр қалбда бўлар,  
Уни чизмоқ, тасвирламоқ эрур душвор.  
Бир кун келиб меҳр билан қалблар тўлар,  
Чин юракдан сўраганнинг топмоғи бор.

Умиджоним, бу истагинг жуда улуғ,  
Меҳр – камёб, тўлсин дейсан дунёларга.  
Сўрайвергин, Аллоҳ зора меҳр солса,  
Ота-она, момо-бобо дилларига.



## ИРОДА


Америкадаги неварам  
Иродахонга

Ўша еру ўша осмон,  
Фақат кўнгила йиғлар, ғариб...  
Уч ой ўтди, Иродахон,  
Ўттиз йилдек... қолдим қариб.

Сен қўлимда – мурғаккинам,  
Ташлаб кетсам, қилма гина.  
Америка тупроғида  
Йиғлаб юрмоқ... қанча яна?

Денгиз орти... кимга армон,  
Мен аслида бунда меҳмон.  
Сен қўлимда, кўзим йўлда,  
Йўллар олис, Иродахон.

Унда Ватан, бунда сенсан,  
Бирингиз – рух, бирингиз – жон.  
Қолсам – хато, кетсам-да – ғам,  
Тушларимда Ўзбекистон.



## САИДА

Сен қандайин мўъжизасан Саидам,  
Йўрғагингдан жаннат бўйи таралур.  
Бу ҳаётнинг бор қувончи сен, болам,  
Ҳаёт давом этар, инсон яралур.

Ота-онасига монанд десинлар,  
Бобоси ҳам момосига из босар.  
Улар сенинг иқболингни кўрсинлар,  
Ҳамиша бўл эл меҳрига муяссар.



Сабр соҳили




## ФАРЗАНДЛАРИМГА

Орзулар осмони поёнсиз, чексиз,  
Орзулар етаклар келажак сари.  
Яшолмас дунёда инсон орзусиз,  
Орзулар энг буюк қалб истақлари.

Сизни тарқ этмасин шу олий туйғу,  
Сизни етакласин олдинга фақат.  
Инсон тирик экан, ҳамроҳдир орзу,  
Умид билан яшаш – шунинг ўзи бахт.



Ҳаиб  
уилоҳидан  
қатъалар



## “ҚАРО КЎЗУМ”НИ ТИНГЛАБ

“Қаро кўзум”ни тингларман, қаро кўзим тушар ёдга,  
Бу маҳзун жисм ила руҳим, келур шул дамда фарёдга.

Кўшиқда жаннату роҳат, кўшиқда дўзахи ҳижрон,  
Наҳот ишқдек буюк дунё кўшиқла келди бунёдга.

“Қаро кўзум”ни тингларман, қаро зулмат  
чекинди, рост,  
Ёришди чеҳраи зардим, не ҳожат нолаю додга.

На бир сўзу, на бир жумла ёзолмай хотирим мажруҳ,  
Кўшиқ илҳоми-ла ёздим ғазал, раҳмат шу устодга!

Бориб айтинг вафосизга, “Қаро кўзим”ни эшитсун,  
Ажаб эрмас, қулоқ солса, кейин қўнглимдаги розга.

Муғанний маҳбубимдирсан, забонинг қилди ожизлик,  
Юрак дардингни солдингму, қўлингда инграган созга.

Навоий под(и)шоҳи сўз, муҳаббат шарҳини битди,  
Фақат унга муяссардир, сололди дардни қоғозга.

“Қаро кўзим”ни куйлаб, шод этинг руҳин Дилоромни  
“Қаро кўзим” мени ундар, етаклар кўкка, парвозга.

## КҮНГИЛ ҚҮЙМАС

Узиб кўнгил кетай дерман,  
  кўнгил қўймас, кўнгил қўймас,  
Бағри тошдан кечай дерман,  
  кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

Не ҳикматлар баён этдим,  
  олов севгим аён этдим,  
Ўзимни еб, тамоm этдим,  
  кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

Муҳаббат не? Жафо бори,  
  мудом зеру забар кори,  
Этак силтаб десам, “бор-э”  
  кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

Не барнолар деюр: “зўрман”,  
  заифлар ёш тўкар: “хўрман”  
Очилмас бу кўзим, кўрман,  
  кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

Заминмен осмондир у,  
  ҳақиқат ё гумондир у,  
Эмас осон демоқ “ё..., ҳу...”,  
  кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

Юрак мулкида нелар бор,  
  тугар сир айламай ошкор,  
Тўлиб косам, ўзим абгор,  
  кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

“Сабр қилгил”, – дегувчи кўп,  
“Ғаму дардим еювчи” кўп,  
Маломатдан отарлар тўп,  
кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

Бўлур гоҳ раҳнамо шайтон,  
“Умид уз, - дер, сенам инсон,  
“Қасос ол” – дер, мана имкон”, –  
кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

Онам руҳи мудом уйғоқ,  
қабр – қалб, бир уюм тупроқ,  
Ўтай деб сакрасам бундоқ,  
кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.

“Шукр” тилда, “насиб” – йўлчи,  
Дилором собира бўл-чи,  
Кетар бўлсанг, кетиб кўрчи,  
кўнгил қўймас, кўнгил қўймас.



## НАВОИЙДАН

Бу илҳому ғазал қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан!  
Хаёлотга назар қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан!

Қаён борсам, унинг назми  
асир этган хаёлимни,  
Бу ҳам ҳукми азал, қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Ғазалу шеър бўлиб маҳтоб,  
ёритди тийра дилларни,  
Олов тафтли қамар қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Илоҳий ишқ саройида  
сабоқ берди буюк “Хамса”,  
Муҳаббатга тамал қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Ана, Лайли билан Мажнун,  
бу ёқда Ширину Фарҳод,  
Ишқ ичра жанг-жадал қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Самарқанду Ҳирот кездим,  
гаҳе Астробод кездим,  
Бу элларга сафар қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Бақо дунёсини билдим,  
“Муножот” ни солиб дилга,  
Бу илму бу амал қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Унинг “Мезон-ул авзон” и  
ғазал илмида зўр қомус,  
“Ҳазаж” бирлан “Ғамал” қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Ҳаёт бўстони кўп дилбар,  
кетармиз бир куни ташлаб,  
Ўқиб илми қадар қайдан?  
Навоийдан, Навоийдан.

Дилоромман, ўқиб Қуръон,  
яратгандан сўраб иймон,  
Яна истар самар, қайдан?!  
Навоийдан, Навоийдан!



## НАЗМ ЧЎҚҚИСИ

Навоийни билмай шоир бўлган ким,  
Кимлар бу устоздан сабоқ олмаган?!  
Борми бирор кўшиқ шайдоси, айтинг,  
Дилбар ғазалларин куйга солмаган?!

Адаб дунёсида дур-гавҳар бисёр...  
У энг кўп дурдона – дунё тўплаган.  
Муҳаббат достонин ўқирлар такрор,  
Дунёнинг ишқидан баҳра топмаган.

Нуроний, кекса-пир кўзим ўнгида,  
Бир қўлида ҳасса, бирида қалам,  
Барҳаёт аллома шунинг ўзи-да,  
Навоий китоби – қомуси олам.

Интиҳосиз тоғдек Навоий назми,  
Залворига қараб кўзларим толар.  
Иймондан яралган бу тоғлар асли,  
Чўққисида шоир абадий қолар!





## ҲИЖРОН

Ношукрлик айладим бўлди менга ҳижрон жазо,  
Нораводир энди шодлик, суҳбати ёр нораво.

Эгмаган бошим эгилди, ҳайфе душман олдида,  
Букмаган қаддимни букди чархи дуни бевафо.

Ул ширин суҳбат қани, бахтинг суруру роҳати,  
Во дариғ, бари йўқолди ногаҳон кулфат аро.

Кимгадир даркор экан, толеимизда бор экан,  
Манглайига не битилган, кўргуси шоҳу гадо.

Бир томонда хорлик, воҳ бир тараф беморлик,  
Минг дарднинг бор давоси, дарди ҳижрон бедаво.

Икки юз ўттиз кеча-кундуз паришон йиғладим,  
Бир дийдорин кўрай деб, Сенга ёлвордим Худо.

Эй, Дилором, ноумид – шайтон, ёруғ кунлар келур,  
Айлагил ихлос-ибодат, бўлгуси мушкул кушо.




## МУАЛЛИМИМГА

Муаллимим, бугун сенинг сабоқларинг эслайман,  
Юракларга сен сингари қулоқ солмоқ истайман.  
Илму фаннинг машғаласин берган эдинг қўлимга,  
Мен ҳам уни ўқувчимнинг қўлларига тутгайман.

Талабалар... Ҳар бирининг орзулари ўзгача,  
Ҳар бирови олов, ёнар, ҳар бирови мавҳум сир.  
Фан кўкида юлдуз бўлсин, ёғдулари ўзгача,  
Улар менинг сабоқларим, қўмагимга мунтазир.

Ҳақиқатни англаторсам, “қора” нима, “оқ” нима,  
Меҳру иймон, одамийлик соломасам кўнглига  
Бир кун келиб қўлимизга ҳасса берса кексалик  
Ким етаклаб чиқар бизни истиқболнинг йўлига?

Муаллимим, бугун сенинг ўғитларинг эслайман,  
Юракларнинг садосига қулоқ солмоқ истайман.



## МУНОЖОТ

Сиз билан яшамоқ қанчалар оғир...  
Сизсиз яшамоқ ҳам мумкинмас ахир!  
Пешанамга ёзган шу экан тақдир...  
Оҳ, ҳаёт шарбати бунчалар тахир,  
Аллоҳим, банданга сабр бер, сабр.

Муҳаббат шамчиноқ зулмат ҳаётга,  
Унинг шарҳи сиғмас дoston, баётга.  
Севгини тан олмоқ ордир сиз зотга,  
Қадрингиз улуғлаб бўлдим беқадр,  
Аллоҳим, банданга сабр бер, сабр.

Фақат сизни дедим жуфти ҳалолим,  
Кундузи қуёшим, тунда ҳилолим.  
Жавобсиз тентирар ҳамон саволим:  
Наҳотки, вафога мукофот – жабр?!  
Аллоҳим банданга сабр бер, сабр.

Волидам садоқат боғига ҳайкал,  
Ибрат назарини солдим ҳар маҳал.  
Сабрига тасанно ўқиб ҳар саҳар,  
Қўл очиб сўрайман, шу сўнгги тадбир,  
Аллоҳим, банданга сабр бер, сабр.

Бахт манзили узоқ, етсам Сиз билан,  
Ҳамиша яшадим шу орзу билан.  
Пушаймон олови ўчмас сув билан.  
Муҳаббатни кўмдим, ёнди қалб – қабр,  
Аллоҳим, бандангга сабр бер, сабр.

Совуқ сўз этмасин оқ юзни қора,  
Жаҳолат қалб кўзин қилмасин хира.  
Сиз борсиз – мен ҳаёт, айрилмам сира,  
Шунда илоҳий ишқ қолмагай сағир,  
Аллоҳим, бандангга сабр бер, сабр.




## ЎҚУВЧИМГА

Сочларимга эрта оралабди оқ...  
Ўқувчим, бу сизнинг ҳимматингиздир.  
Қаламли қўлларим гоҳида титроқ,  
Ўқувчим, бу сизнинг хизматингиздир.

Сарф қилган меҳнатим қилмам сарҳисоб,  
Чеккан заҳматларим сизда намоён.  
Менинг кўксим аро қадалган ўқдир,  
Сизнинг кўзингиздан тўкилган маржон.

Танамдан куч кетса, кўзларимдан нур,  
Ачинмайман, бахтим, қувватим сизсиз!  
Узоқ йиллар оғир машаққат билан  
Тўплаган жавоҳир – давлатим сизсиз!

Аввалига йўлчи, сўнг сизга ҳамроҳ,  
Умр сўқмоғида этармиз давом.  
Сиз ҳаётда нопок яшар бўлсангиз,  
Менинг ҳаётим ҳам сиз билан тамом.



## ВАФО ҚЎШИҒИ

Чечаклар, лолалар кулса  
насими абри найсондан,  
Менинг кўнглим олар баҳра,  
ажабким жабри жонондан.

Кўзим нурина бахш этдим,  
баҳори ёшлигимни ҳам,  
Агар у истаса кечгум  
ўшал фурсат ширин жондан.

Турарга ихтиёри йўқ,  
тайин манзил қарори йўқ,  
Бугун Тошкент сари кетса,  
келар эрта Намангондан.

Еткурса менга минг озор,  
ва лекин айбламам зинҳор,  
Халойиқ ичра ҳикмат бор:  
“Не суд сўнгги пушаймондан”.

Фиғону нолалар этдим,  
шакар ўрнига қон ютдим,  
Инсофга келмагин кутдим,  
ва лекин кечмадим ундан.

Сабр соҳиди

Умид бирла очарман кўз,  
умид бирлан деюрман сўз,  
Саодат бир узоқ юлдуз,  
нур олгай шамсул армондан.

Аёллик – оналик бахтим,  
эшитсин, ул дили сахтим,  
Жафо ўрнига ҳам, майли,  
вафо кўрсин Дилоромдан.



## ҲАМРОҲИМГА

Зулмат дунёсида адашиб юрдим,  
Интилиб яшадим бир тола нурга.  
Неча бор йиқилдим, неча бор турдим,  
Умидли нигоҳим тикиб манзилга,  
Азизим, ёнимда Сен эдинг бирга.

Шакар деб заҳарни тутдилар, ютдим,  
Синов, имтиҳонлар... баридан ўтдим,  
“Сабр туби олтин” – дедилар, кутдим,  
Интилиб яшадим бир тутам нурга,  
Азизим, ёнимда Сен эдинг бирга.

Гоҳо шод, баъзида паришон эдим,  
Хиёнат жабридан бағри қон эдим,  
Ҳаёт шунча аччиқ, барибир севдим...  
Дуч келдим ечилмас савдойи сирга,  
Азизим, ёнимда Сен эдинг бирга.

Орамизга тушди чақиртиканлар,  
Душман билан кетди дўстман деганлар,  
На чора, улар ҳам даркор эканлар.  
Сиғмай нола қилдим, шундай кенг ерга,  
Азизим, ёнимда Сен эдинг бирга.

Илм осмонида олис юлдузлар,  
Сарғайган китоблар хайрихоҳ излар,  
Ҳарфни таниёлмай қолса ҳам кўзлар,  
Чумоли мисоли ошиқдим қирга,  
Азизим, ёнимда Сен эдинг бирга.



Муҳаббат пок қалбни ёритган чироқ,  
Нодон мунофиқлар истар ўчирмок.  
Алар етолмаслар мақсадга бироқ,  
Минг бор шукр айлай азал-тақдирга,  
Азизим, ёнимда Сен эдинг бирга.

Умримиз бардавом фарзандлар билан,  
Кўнглимиз чароғон фарзандлар билан.  
Ўлим йўқ, меҳрибон фарзандлар билан,  
Улар билан етдик “бахт” деган қирга,  
Боиси, ёнимда Сен эдинг бирга.



## БИР КУН

Агар кўзимда ёш бўлса,  
                                дилини тоза айлар денг,  
Ўзини ғуссага бериб,  
                                бировларни авайлар денг.

Жафою жабр этиш ундан,  
                                садоқат ҳам вафо мендан,  
Нечун бу маъшуқи нодон  
                                ўзини ўтга ташлар денг.

Ажаб, кибру ҳаволик у,  
                                мудом боши солиғлик бу,  
Қиёмат бўлса сайф Аллоҳ  
                                қаю бирини танлар денг.

Кишилар наздида Тоҳиру  
                                Зухро, Лайлию Мажнун,  
Мабодо қолсалар ёлғиз,  
                                алар аҳволи танглар денг.

Сукунат кони ҳикмат деб,  
                                сукут бирла ўтар умри,  
Алар гаплашмайин қандай  
                                бири бирини англар денг.

Дилором, сен авайлайвер  
                                муқаддас оиланг – Каъбанг,  
Сен орзу айлаган кунлар  
                                келар бир кун... қачонлар денг.

## КУЛГИН АЗИЗИМ...

Бир оғиз ширин сўз, битта табассум  
Тоғдайин ғамларни йиқмоққа қодир.  
Азизим, термулдим, кулиб тур бир зум,  
Ҳаётим, қалбимда нур бўлиб зоҳир  
Мен ҳам бир кулай...

У уйда нима гап, йиғлайди кимдир...  
Қўшним ташвишларин дастидан бирён.  
Мен кулгу ахтариб бир кун ўлгумдир,  
Азизим, термулдим, бир кулгин хандон,  
Мен ҳам бир кулай...

Онамни дард эзди, кўзлари ғамгин,  
Қайнонам фарзандин доғида йиғлар.  
Юрагим оғрийди тинмайин сим-сим,  
Дунё ситамлари кўксимни тиғлар,  
Мен ҳам бир кулай...

Ғамгин чехраларга термулиб куйдим,  
Қаҳқаҳа янграрми хонадонларда...  
Шодликларга тўлса олам ҳам уйим,  
Қачон янграр кулги биз тамонларда...  
Мен ҳам бир кулай...

## ШОГИРД ТАБРИГИ

Баҳор олам аро сеп ёйиб,  
Ороларди борлиқни дилбар.  
Ғир-ғир эсиб оромбахш насим,  
Гул ҳидини ҳар ён таратар.

Муаллим-чи, саҳар паллада,  
Ғунчаларга боқиб нигорон.  
Дафтар китобини қўлтиқлаб,  
Йўл олди илм даргоҳи томон.

Ёшу қари, дуч келган одам  
Кўзларида чексиз эҳтиром.  
“Домла, қалай”, – дея самимий  
Муаллимга берарлар салом.

Муаллимнинг баҳори нима?  
Талабасин умидли юзи.  
Муаллимга гулдаста нима?  
Шогирдининг миннатдор сўзи.

Мана, келаётир муаллим,  
Қўлларида ҳамон китоби.  
Муаллимдир бу ҳаётга кўрк,  
Эзгуликнинг ёниқ офтоби.

Сиз, сиздайлар олтмиш йил эмас,  
Олти юз йил яшасангиз кам.  
Қўлингизда дафтару китоб  
Бўлар шаксиз ўша маҳал ҳам.

## УСТОЗГА

Ғам келса тоғларни тўзғитар, дерлар,  
Кўрдим, бардошлидир тошдан-да одам.  
Кимлар кимдан нелар ўрганди, мен-чи,  
Сабрни ўргандим муаллимимдан.

Аламлар гоҳида ўртар юрагим...  
Жаҳолат пичоғин чиқарса қиндан,  
Шу лаҳза хаёлан мадад тиладим,  
Сукунатда сокин муаллимимдан.

Кўнгил каъбасини бузғувчилар кўп,  
Эвоҳ, ширин сўзни оласиз кимдан...  
Қоронғу дилларга чироқ бўлмоқни,  
Меҳрни ўргандим муаллимимдан.

Фақат дарс беролмас инсонга сабоқ,  
Ҳаёт ҳақиқатин англадим ундан.  
Кексайиб қолганда у бизга маёқ,  
Ёнмоқни ўргандим муаллимимдан.

Аллоҳ узоқ умр берган, одамлар  
Бир-бирин ҳаётин эговлар зимдан.  
Олтмишда олтиндан азиз бўлишни  
Ўргансам, қанийди муаллимимдан.

## УЛУҒ ТУҒФА

Камолга етса ҳар шогирд  
бу устознинг камолидир,  
Кимеки яхши шогирд,  
яхши устознинг давомидир.  
Ёмон шогирд ота-она,  
муаллимнинг заволидир,  
Ёғилса мадҳу-мақтовлар  
буюк инъоми олийдир,  
Муаллимга улуғ туғфа  
бу шогирд эҳтиромидир.

Илмни устивор айлаб  
ҳамиша сарбаланд этди,  
Ўзин умрин эмас доим  
илм сонин рақам этди.  
Ҳашам, давлат эмас даркор,  
куюнмас кўпу кам этди,  
Камолга етса ҳар шогирд  
бу устознинг камолидир.  
Муаллимга улуғ туғфа  
бу шогирд эҳтиромидир.

Муаллим заҳматин асли  
чумоли меҳнати дерлар,  
Ўзи ушоқ каби, аммо,  
баланд тоғ устини кўзлар,  
Киме мансаб, киме бойлик,  
у-чи дафтар китоб излар,

Кимеки яхши шогирд,  
яхши устознинг давомидир.  
Муаллимга улуғ тухфа  
бу шогирд эҳтиромидир.

Илм майдонига кирдинг,  
муаллимни зиёрат қил,  
Мурод истар эсанг доим  
унинг корини одат қил.  
Сабоғини ўқиб, ёзган  
китобини даволат қил,  
Ёғилса мадху-мақтовлар  
буюк инъоми олийдир,  
Муаллимга улуғ тухфа  
бу шогирд эҳтиромидир.



## СОДИҚ ЖОНДОРИЙГА <sup>9</sup>

Содиқо, Жондор, Бухоро,  
Қаршидан излаб сани,  
Кимлигингни билмаган  
элимга қайтарсам, қани...  
Қасри шоҳона ичинда,  
ўртаниб ўтдинг, дариг,  
Ул қалам келмиш кўмакка  
дардларинг аритгани.

Ҳар қаёнга сочилибдир  
ўтли оҳ – ашъорларинг,  
Ўз элингда йўқ бири ким,  
кўзга суртсам ман ани.  
Чархи кажрофтор экан-да,  
ғайри динни дўст билиб,  
Ўз бобомизни унутдик,  
қилмишин кўр омманинг.

Мен Дилором, энди ором  
билмагайман изланиб,  
Ким савоб иш бошлагай,  
қўллар эгам ул бандани.  
Ҳақ шаҳодат айласун ким,  
қўлласун руҳинг мудом  
Содиқо, шоир бобом,  
элимга қайтаргум сани.

---

<sup>9</sup> Шоир Содиқ Жондорий Бухоронинг Манғит амирлари саройида яшаб ижод қилган, XIX аср бошларида Қаршида, сургунда вафот қилган.



## ТҮРТЛИКЛАР

Шукрни билмаган баднафс гадони бой қилайин деб,  
Машаққатлар чекиб подшоҳ ўзи охир гадо бўлди.  
Муҳаббат нелигин билмас кўнгилни юмшатайин деб,  
Чекиб ранжу жафо ул маъшуқи нодон адо бўлди.

\* \* \*

Она, мен ташнайи дийдор, бу кенг оламга сиғмасман,  
Мени соғинч эзар пинҳон, давоси қайда билмасман.  
Соғинганлар очар бағрин, соғинганни соғинмасман,  
Она, Сендан жудо бўлдим, сенга етгунча тинмасман.

\* \* \*

Текис йўл, иккимиз кетиб борардик,  
Фарзандим, қоқилдинг такрор ва такрор,  
Бу йўлларда қанча қоқилсанг, майли,  
Ҳаёт сўқмоғида қоқилма зинҳор.

\* \* \*

Учқур хаёлларим оламни кезар,  
Улар қанотида учаман фақат.  
Бугун ўйларимда яшаган иқбол  
Эртанги кунимда бўлар ҳақиқат

## АЁЛ АҲЛИ

Аёл аҳли жаҳонга  
ғусса бирла ғам учун келган,  
Десам бўлгай хато, ул  
кўрки бу олам учун келган.

Аёл бор уй саранжому,  
аёлсиз уй зимистондир,  
Аёлсиз ҳатто бу олам  
кемтик, кам учун келган.

Аёлларнинг қўли бешик  
билан оламини тебратгай,  
Бу серташвиш ҳаётда  
жуфтига ҳамдам учун келган.

Ҳаётда устивор мардлар,  
улар ҳукми – худо ҳукми,  
Аёл бўлмаса ул лочин  
қаноти кам учун келган.

Аёл кулса, ҳаёт кулгай,  
илиқлик тутгай оламини,  
Ширин сўзи юраклар  
захмига малҳам учун келган.

Жафолардан фиғон этмас,  
ажабким қирқтамиш жони,  
Алар юз жон олар ҳар бир  
ширин сўздан учун келган.

Кўринг Момо Ҳавониким  
эгамнинг қудрати бирла,  
“Бу дунёда нетар ёлғиз”, –  
дебон Одам учун келган.

Аё мардим, эшит сенга  
очай пинҳона сиримни,  
Не деб келган деб ўлтурма,  
Дилором сан учун келган.



## ВАФО ШЕЪРИ

“Сабрнинг тубидир раҳмон”, –  
шу ҳикматни шиор этдим.  
У мендан эътибор кутмас,  
вале мен эътибор этдим.  
Куфр айтманг, бу иш бирлан  
ўзимни хору зор этдим.  
Момолардан менга мерос  
шу йўлни ихтиёр этдим,  
Вафо боғин этай обод,  
дебон азму қарор этдим.

Фурур осмонида учган  
балад парвозли лочин у,  
Дуо қилдим туриб ерда,  
ёзолди кенг қулочин у,  
Ўзимни хокисор тутдим,  
балад тутсин деб бошин у,  
У мендан эътибор кутмас,  
вале мен эътибор этдим.  
Вафо боғин этай обод,  
дебон азму қарор этдим.

Ҳаётда бир ниҳол экса,  
мен унга сув солиб турдим,  
Агар зулмат аро қолса,  
мисоли шаъм ёниб турдим.  
Ўзим зулматда қолганда  
юзидан нур олиб турдим,

Сабр соҳилан

Момолардан менга мерос  
шу йўлни ихтиёр этдим.  
Вафо боғин этай обод,  
дебон азму қарор этдим.

Аёл сурат мунофиқлар  
вафони мандин ўргансин,  
Фасод-ғийбатга ботганлар  
зиёни мандин ўргансин.  
Ёмонга яхшилик отлиғ  
дуони мандин ўргансин,  
“Сабрнинг тубидир раҳмон”, –  
шу ҳикматни шиор этдим  
Вафо боғин этай обод,  
дебон азму қарор этдим.

Мисоли шаъм адо бўлсам,  
яна ёнмоққа тайёрман,  
Машаққат деб ҳаловатдан  
тамом тонмоққа тайёрман.  
У борким ғамли дунёда  
яна қолмоққа тайёрман,  
Куфр айтманг, бу иш бирлан  
ўзимни хору зор этдим,  
Вафо боғин этай обод,  
дебон азму қарор этдим.

## БУХОРО ШАЪНИГА МУСАДДАС

Онажоним каби эъзоз  
этай шаҳри Бухоромни,  
Шукр Аллоҳга беҳадки,  
менга берди бу инъомни,  
Қучоғида яшашдир бахт  
муборак айлаб ҳар тонгни,  
Минораи Калон узра  
мусаффо кўрсам осмонни,  
Йўлларига нисор этгум,  
на бир жоғ, бўлса минг жонни,  
Бухородан десинлар бас, Бухородан Дилоромни.

Қадам боссам хаёлимда  
оёқ остимда қум йиғлар,  
Мачиту мадраса, тимлар  
ва тоқлар юм-юм йиғлар,  
Асл фарзандларинг қўмсаб  
Ватанни бағри хун йиғлар,  
У қонлиғ тарихингни  
ёд этиб осмон, замин йиғлар,  
Асрларнинг нидосидан  
йўқотдим, майли, оромни,  
Бухородан десинлар бас, Бухородан Дилоромни.

Шариф шаҳрим, буюк номинг  
замонлардан замон ўтди,  
Неча олим неча шоир,  
неча шоҳ, неча хон ўтди.

Шукр юртим, азиз номинг  
    талошлардан омон ўтди,  
 Узоқ кетганда бағрингдан,  
    Она, қадринг ёмон ўтди.  
 Қанотсиз қуш каби кўрдим  
    ватадин айру инсонни,  
 Бухородан десинлар бас, Бухородан Дилоромни.

Азим шаҳрим, азиз шаҳрим,  
    шаҳарлар ичра яктосан,  
 Бу кўҳна даҳридун ичра  
    ўзинг бир янги дунёсан.  
 Ўзинг Мулҳам, ўзинг Содик,  
    ўзинг Имло-ю Синосан.  
 Фараҳбахш куй – “Муножот” сан,  
    “Наво”, “Ушшоқ”, “Мусалло” сан  
 Ёниб мадҳингни куйларман,  
    шукр берди бу имконни,  
 Бухородан десинлар бас, Бухородан Дилоромни.

Дилобар, дилрабо юртим,  
    ажаб оҳанграбо юртим,  
 Сенга кўз тегмасин асло,  
    жавоҳир бебаҳо юртим.  
 Бу оташ сўзу мадҳиям  
    фақат сенга раво юртим.  
 Чин ихлос-ла ният қилдим,  
    ўқиб «бомдод», ўқиб «шом»ни,  
 Бухородан десинлар бас, Бухородан Дилоромни.

## ШАҲРИ УРФОНГА

Қабристондир мен ўтирган ушбу макон  
Қачонлардир бу ерларда тўкилган қон.  
Бир кўрмакни орзу айлар, қанча инсон  
Биз қадрингга етолмадик, ўтда виждон,  
Кечир бизни, кечир мени Бухорожон!

Кўз олдимда маъюс турар минорларинг,  
Унда-бунда парча-парча деворларинг,  
Минг йил қани, қуриб битди чинорларинг.  
Янги авлод ковакларда асраймиз жон,  
Кечир бизни, кечир мени Бухорожон!

Уйимизни кўрмак, ҳашам қилиб қурдик,  
Фойдамизнинг орқасидан отни сурдик,  
Тўрт кун экан дебон даври даврон сурдик,  
Йиллар ўтиб, бу гуноҳлар бўлди аён!  
Кечир бизни, кечир мени Бухорожон!

“Катталар” га кабоб бўлди охулари,  
Сероб эди шоирлари, олимлари,  
Сароб бўлди, афсус, қанча орзулари,  
Шунча китоб, шунча илм кетди қаён?!  
Кечир бизни, кечир мени Бухорожон!

Сабр соҳили



Сандиқларда тилла оқди шимол томон.  
Кекса шаҳрим ўй суради, маънос ҳамон,  
Қаддинг кўтар, шаҳри ислом, шаҳри урфон,  
Пешонангга ёзилгандир замон-замон,  
Кечир бизни, кечир мени Бухорожон!

Сочлари оқ, киприклари намли шаҳрим,  
Ўтмиш китобида шону шаънли шаҳрим,  
Оқ тонгларинг отаётир, ғамли шаҳрим,  
Тушларимга кирган жаннат – Сен онажон,  
Кечир бизни, кечир мени Бухорожон.



## МЕНИ ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМАНҒ

Ўтинаман, дўстлар мени бир зум ёлғиз қолдирманг,  
Яширмасман, бу ҳаётда танҳоликдан қўрқаман.  
Ёлғизликнинг ўт аланга гирдобида толдирманг,  
Дўсту ёрсиз... бундай бахти қароликдан қўрқаман.

Гоҳо ишда, гоҳо уйда, баъзан шодман, гоҳо тунд,  
Ҳаёт-да бу, баъзан турмуш ташвишлари айлар хун.  
Кўзим гирён ахтараман шунда сизни дўстларим,  
Бир калима сўзингизга мунтазирман узун кун.

Мана, эшик қўнғироғи чорламоқда, хайрият,  
Жим-жит уйим кулгулару, қалбим нурга тўлади  
Мени чорланг, мен йўқлайин, ҳамроҳ бўлсин шу ният,  
Дўсту ёрсиз одамизод тирик юриб ўлади.

Ёлвораман, дўстлар мени бир зум ёлғиз қолдирманг,  
Хаёлларнинг, саволларнинг уммонида толдирманг.



Сабр соҳили

## МАХТУМҚУЛИ ЙЎЛИДАН

Хар йигитнинг аслин билай десангиз,  
Маъракада ўтириб туришин кўринг...

*Махтумқули*

Бир дилбара кўнгил очар бўлсангиз,  
Аввало рафторин – юришин кўринг.  
Кўз учида меҳр сочар бўлсангиз,  
Ибо билан салом қилишин кўринг.

Давраларнинг гули бўлмаса бўлмас,  
Жамоли ой каби тўлмаса, тўлмас.  
Вафо гулзорининг гули бўлса, бас!  
Умрингиз яшнатиб туришин кўринг.

Нопок хотин умр заволи бўлар,  
Эри келса мингта саволи бўлар,  
Бошга чиқиб олмоқ хаёли бўлар,  
Зулукдек қонингиз сўришин кўринг.

Бир умрга дарддош бўлсин десангиз,  
Бирга йиғлаб бирга кулсин десангиз,  
Хонадоним нурга тўлсин десангиз,  
Бировнинг дардида куйишин кўринг.

Ғизо таомига меҳрини қўшса,  
Ғазаб тошган маҳал сабрини қўшса.  
Фаришта изламанг, фаришта ўша,  
Сизнинг билан даврон суришин кўринг.

Забонида доим сўзи рост бўлса,  
Орзулари орзунгизга мос бўлса,  
Усти боши аёлларга хос бўлса,  
Ярашган либосин кийишин кўринг.

Болаларни севса жону дил билан,  
Бошини силаса чин кўнгил билан,  
Тарбият айласа ширин тил билан,  
Гўдак дунёсини суйишин кўринг.

Қўлида хунари, меҳнати бўлсин,  
Ота-онангизга ҳурмати бўлсин,  
Қариндош, қўшнига ҳиммати бўлсин,  
Ҳар кун қанча дуо олишин кўринг.

Покиза сақларми ҳовли-ҳарамни,  
Минг бор ўйлаб, сўнгра босса қадамни,  
Садағаси кетсанг бундай одамнинг,  
Оҳиста гапириб, кулишин кўринг.

Қаранг-чи, қўлида китоби борми?  
Зебу зийнат эмас, одоби борми?  
“Бисмиллоҳу, шукр” хитоби борми?  
Унда сиз-ла даврон суришин кўринг.

## ОТАМГА

Кимлар даҳоларга сиғинса,  
Кимлар подшоҳларга тиз чўкса агар,  
Мен бўлсам ягона қиблагоҳим деб,  
Сизга бош эгарман, меҳрибон падар!

Кимлар давлатига суюнса,  
Кимлар савлатига суйанса агар.  
Мен бўлсам давлатим, савлатим дея  
Сизга бош эгарман, меҳрибон падар!

Нуроний чехрангиз меҳригиёдир,  
Ҳар кун талпинаман қанча йўл босиб.  
Отадан гап кетса сақлайман сукут,  
Боиси ташбеҳ йўқ Сизга муносиб.

Сиз берган ўғитлар йўлим ёритар,  
Сизнинг нигоҳингиз кўз қароғимда.  
Шукрона айларман, пиру бадавлат  
Падар бузрукворим бордир бошимда.




## ҒАЗАБ

Ногаҳонда кўзғалиб бўрон,  
Дов-дарахтнинг эгди бошини.  
Гумбурлади, хўрсинди осмон,  
Тўқди кўздан аччиқ ёшини.

Бўрон янглиғ кўзғалиб қаҳрим,  
Эгиб қўйдим дўстим бошини.  
У хўрсинди шуми деб қадрим,  
Тўқди кўздан аччиқ ёшини.

Шафқатсизсан, бунча табиат...  
Чечакларни пайхон айладинг.  
Шафқатсизсан, бунча юрагим,  
Биров қалбин вайрон айладинг.



## ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ

Мен бир йўлга кирдим, ҳақ йўлга кирдим,  
Парвойим йўқ унинг баланд-пастига.  
Таъна ёғдирсалар бурчак-бурчакдан  
Мен олға юраман қасдма-қасдига.

Ким улар, оғзига кучи етмасдан  
Номимни тутарлар айбларга ўраб?  
Мен-чи? Ўғрилмасман, парво этмасман,  
Нима ҳам қилардим ёлғонни сўраб.

Кимдир ҳасад ичра ўртаниб, куйиб,  
Ўзин тақдиридан нолиса бот-бот,  
Айтарман, юрагинг қаролиги чун  
Сени шунга лойиқ кўрмишдир ҳаёт.

Ҳасад – инсон қалби, умрига завоқ,  
Орзу билан яшаш қандай саодат!  
Аллоҳим, дилимда бир ўтинч, хаёл:  
Ҳавас дунёсидан айирма фақат.

## ТУРНА

Ёлғиз турна учар самода,  
Олисларга парвоз этолмас.  
Манзил йироқ, турна бўлса тоқ,  
Узоқларга ёлғиз кетолмас.

Турна гирён кезар ҳавода,  
Унга боқиб йўқолар тинчим.  
Шунда дейман: Дўстлар дунёда,  
Ёлғизланиб қолмасин ҳеч ким.





## ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ

Аёллар мадҳида шеър туғилмоқда,  
Шамоллар тўзғитманг хаёлларимни.  
Ор-номус деб улар тайёр ўлмоққа,  
Сиз билмайсиз ўзбек аёлларини.

Ҳашам безаклари токчада йиғлар,  
Ҳурлар инъом қилган рўмолларини.  
Ўзбек диёрининг кўркидир шулар,  
Сиз билмайсиз ўзбек аёлларини.

Бешиқда тебраниб келажак ухлар,  
Алла айтиб ювар малолларини.  
Фақат у дунёни яшартиражак,  
Сиз билмайсиз ўзбек аёлларини.

Кимнингдир бағрида, оромда мушук,  
Кимдир итга берар бори, меҳрини.  
Ўзбек аёли дер: “Бу ахир ушук”.<sup>10</sup>  
Сиз билмайсиз ўзбек аёлларини.

Мақсад-манзил томон ошиқар дадил,  
Тошлар қонатса-да товонларини.  
Энг аввал уларнинг дуоси қабул,  
Сиз билмайсиз ўзбек аёлларини.

<sup>10</sup> Ушук – эртақ.

“Ўзбекнинг онаси” – мансаби олий,  
Савоб тўлдиргандир аъмолларини.  
Онанинг ризоси сулҳи раббоний  
Сиз билмайсиз ўзбек аёлларини.

Жойнамоз устида дилбандин сўрар,  
Аллоҳим, кўрай дер камолларини.  
Фақат фарзанд учун яшайди улар,  
Сиз билмайсиз ўзбек аёлларини.



## ШИОР

Муҳаббат ва ғазаб ёнма-ён,  
Бир гўшада қурибди макон.  
Оилани муқаддас билиб,  
Юракларга тўлса ҳамки қон,  
Бирга қадам ташлайверамиз,  
Биз нолимай яшайверамиз.

Биримиз сув, биримиз олов,  
Ўт чиқса сув сепамиз дарров.  
Шундай ўтиб борар умримиз  
Учиб борар биз минган бедов.  
Келажакка шошаверамиз,  
Биз нолимай яшайверамиз.

Ғазаблардан чакнаса чақин,  
Икки дунё ораси яқин.  
Чекинамиз биримиз секин,  
Уйимиздан сас чиқмас лекин,  
Урушиб, ярашаверамиз,  
Биз нолимай яшайверамиз.

Баъзан шодлик жамол кўрсатар,  
Гуё зулмат тарқаб, тонг отар.  
Сўзларимни ғийбатга йўйманг,  
Ёмон хотин рўзгорин сотар.  
Сиримизни сақлайверамиз,  
Биз нолимай яшайверамиз.

Гўдакчалар мисли полапон,  
Улғаймоғи бўлмади осон,  
Занжир бўлиб бизни боғлади,  
Майли, шулар бўлишсин омон.  
Гиналарни ташлайверамиз,  
Биз нолимай яшайверамиз.

Бировдан кўп, бировдан каммиз,  
Тўртта олтин олма йиққанмиз.  
Бахт чўққисин кўзлаб, икковлон  
Умид билан йўлга чиққанмиз,  
Тўсиқлардан ошаверамиз,  
Бизлар шундай яшайверамиз.



## ЧОРБАКРЛАР

Бухорога узоқлардан  
қанча карвонлар келди,  
Дилга турфа ният боғлаб  
сайёҳ, меҳмонлар келди,  
Улар билан гоҳо шодлик,  
гоҳ ғам, армонлар келди,  
Дўсту душман, очу тўқлар,  
яхши-ёмонлар келди.  
Чор бакрлар келди юртга,  
фараҳбахш онлар келди,  
Пайғамбарнинг авлодлари –  
фикри уммонлар келди.

Бухорони тавоф қилмоқ  
орзусида юрганлар,  
“Ислом юртин бир кўрсам”, – деб  
ширин хаёл сурганлар,  
Мақбараю тоқларини  
тушларида кўрганлар,  
“Бухорога ўхшарми”, – деб  
иморатлар қурганлар,  
Чор бакрлар келди юртга –  
Олий меҳмонлар келди,  
Памғамбарнинг авлодлари  
фикри уммонлар келди.

Оҳ Бухоро, она юртим,  
қалбинг пора-порадир,  
Тарихингни варақласам,  
бўёқланган, қорадир,

Аламларда ўртанарман,  
оҳим тошни ёрадир,  
Токай ахир илм аҳли  
қувгинда, бечорадир.  
Бухорога фазли дониш,  
илму урфонлар келди,  
Пайғамбарнинг авлодлари  
фикри уммонлар келди.

Хожа Саъду, Ибн Жаъфар  
калом ичра улуғдир,  
Абу Бакр Муҳаммаднинг  
қалби нурга тўлиқдир,  
Тўртинчиси Бакр Тархон  
иймон тоғида туғдир,  
Раҳнамолар шарофати –  
халқ эртаси ёруғдир,  
Бухорога аҳли дониш,  
олий мақомлар келди,  
Пайғамбарнинг авлодлари  
фикри уммонлар келди.

Маслаҳатгуй нодон эрса  
шоҳни шармисор айлар,  
Наинки шоҳ, бутун элни  
гадо айлар, хор айлар,  
Сомоний шоҳ неки қилса  
кенгаш ила кор айлар,  
У тўрт Бакр адолатда  
шоҳни устувор айлар,

Шоҳ қошида Жўйборийлар –  
ул тоза қонлар келди.  
Пайғамбарнинг авлодлари  
фикри уммонлар келди.

Ўйнаб-ўйнаб оқди Жўйбор,  
шайланди саховатга.  
Шариф юртим тўлиб кетди  
файз ила тароватга.  
Илм нурин туйиб диллар  
йўғрилди фароғатга.  
Жўйборийлар донг таратди  
меҳнату садоқатда  
Мангу ором топди бунда,  
соҳиб Қуръонлар келди,  
Пайғамбарнинг авлодлари –  
фикри уммонлар келди.

Қадамларинг оҳиста қўй,  
муқаддас бир макон бу,  
Боболарнинг қони оққан  
қадим мулки Турон бу,  
Пайғамбарзодалар келган  
Бухоройи жаҳон бу,  
Она тупроқ, олий тупроқ  
Улуғларга аён бу.  
Чор бакрлар қайтди юртга,  
шукуҳди онлар келди,  
Пайғамбарнинг авлодлари –  
фикри уммонлар келди.

## ЖИГАРБАНДИМГА

Мен сенга суяниб, суяниб яшайман,  
Борингга суюниб, суюниб яшайман.  
Дардимда ўртаниб, ғамимда қаридинг,  
Дардингга куюниб-куюниб яшайман.

Қадр ила қимматнинг номи бор, ўзи йўқ,  
Қадрингни билмаган нодондан асрасин.  
Дўстдайин кўриниб, танангга чирмашиб,  
Кўксингга ниш санчар илондан асрасин.  
Қадримни англаган қадрдон жигарим,  
Югурган, толиққан, сабилжон жигарим.

Кимгадир суяниб яшайди одамлар,  
Суянчиқ ҳал қилар ҳал бўлмас ишларни...  
Қанийди иймонга суянса одамлар...  
Покиза виждонга суянса одамлар.  
Мен сенинг меҳрингга суяниб яшайман,  
Ҳар куни, ҳар соат соғиниб яшайман.

Баъзида етказган озорим кечиргин,  
Ҳаёт ўз заҳрини тилимга кўчирди.  
Фақат сен қодирсан гуноҳим ўтмоққа,  
Эҳ афсус, бу умр қандай тез ўтмоқда...  
Кошкийди, мен сенинг корингга ярасам,  
Бир умр сен билан ёнма-ён яшасам.

Жигардан юз буриб кетганлар ўрганиб,  
Бир-бирин сарига талпинса ўртаниб.  
Жигарим, мен сенга интилиб яшайман,  
Ҳар куни, ҳар соат соғиниб яшайман.



## НАЖОТ

Элим, дардинг қалбимни эзди,  
Жароҳатдан отилди фарёд,  
Элим, ғаминг бошимни эгди,  
Зиндон бўлиб туюлди ҳаёт.  
Кимга бориб дод дей энди, дод!  
Ибодатда тилайман нажот.

Ўзанларин бузди дарёлар,  
Ечимларга сиғмас савдолар.  
Диёнатунинсоф бадарға,  
Қулоқ бўлди шарму ҳаёлар.  
Наҳот бари бўлдилар барбод...  
Ибодатда тилайман нажот.

Умидларни кўмдим юракка,  
Мардлар иши қолди эртақда.  
Кекса отам, дуога қўл оч,  
Пичоқ бориб тегмай суякка,  
Тантилигинг кўрсат эй, ҳаёт,  
Ибодатда тилайман нажот.


Оқ тонгларинг отдими, халқим,  
Ғуссаларинг кетдими, халқим,  
Қўлим очиб тилаганларим  
Эгам қабул этдими, халқим?!  
Афв этгувчи ягона ул Зот,  
Ибодатда тилайман нажот

## ШЕЪРИМГА

Шеъримнинг сиёҳи юрак қонимдур,  
Шеърим суянчимдир, фарзанди жоним.  
Ҳар шеърим оғир бир имтиҳонимдир,  
Шеърим дардим менинг, шеърим армоним.

Мен шеър ёзолмасман ҳавас, эрмакка,  
Ё шоир номини олмоққа эмас.  
Бир ёниқ қалбим бор нисор этмакка,  
Қалбим дардларимни жамлаган қафас.

Қалбимни очай мен шеърим баҳона,  
Балки яхши ғазал бир дардга малҳам.  
Мақсадим: гоҳ йиғлаб, кулсинлар, токим,  
Кесақдан фарқлансин буюк зот – Одам.



## КУТАМАН

Тонгда келсанг, айт тонггача бедор кутаман,  
Сахар кетиб шомда келсанг, такрор кутаман.  
Кутмоқ бахти муяссардир шукронам бисёр,  
Йўлларингга кўз тутганда интиқ интизор,  
Эшигимдан кулибгина кириб келгин ёр,  
Кўзларимга ҳамиша тик боқа олгин ёр.

Кутмоқлик ҳам аёл учун саодат экан,  
Бардошимиз синаб келган бир одат экан,  
Бундай улуғ саодатга етмаганлар бор,  
Сабру тоқат кўчасидан ўтмаганлар бор.  
Сенга пешвоз чиққанимда интиқ, интизор,  
Кўзларимга ҳамиша тик боқа олгин ёр.

Майли, умрим адоғича кутсам розиман,  
Йўлларингга кўзим тикиб ўтсам розиман,  
Қиш кутаман, ёз кутаман, кутаман баҳор,  
Ҳаммасига арзигулик битта шартим бор:  
Сенга пешвоз чиққанимда интиқ, интизор,  
Кўзларимга ҳамиша тик боқа олгин ёр.

## ҚИЗЛАРГА

Шарму ҳаё қидираман жоду кўзлардан,  
Одоб, ибo қидираман лола юзлардан.  
Юракдаги жароҳатнинг озори бисёр,  
Дору-даво қидираман суҳбат-сўзлардан.

Сиз “ҳаё”ни луғатлардан изланг, дейдилар,  
“Одоб” дея қўйинг, бизни эзманг, дейдилар.  
Жароҳатга қандай дармон бўлар экан сўз,  
Сиз доруни “аптекадан” изланг, дейдилар.

Эй воҳ, тилим, беҳудага жоврама энди,  
Кўнгилигинам, сим-сим эзиб йиғлама энди.  
Замонангнинг дилбарлари кўнглинг ололмас...  
Бу дунёга қўйгин, кўнгил боғлама энди.



Садр соҳиби

## МАҲМУД ТОРОБИЙ ҚАЛЪАСИ ЁНИДА<sup>11</sup>

Бу ўлканинг тупроғини  
                                босмоқ керак авайлаб,  
Бу тупроқда миллион-миллион  
                                авлодларнинг изи бор.  
Бу тупроқни кўзга суртинг,  
                                йўқлаб келинг атайлаб,  
Бу тупроқда аجدодларнинг  
                                фарёдлари, сўзи бор.

Бу йўллардан Маҳмуд юрган,  
                                эл дардида бағри қон,  
Эрк йўлида машғал бўлиб,  
                                нисор этган жонини.  
Унинг номин, хотирасин  
                                унутса гар ҳар инсон,  
Оёқ ости қилган бўлар  
                                шарафу иймонини.

Имзо учун олтин қалам,  
                                кўзойнаклар олтиндан,  
Ҳатто олтин тугма қадаб  
                                либос кийди одамлар.  
Йиртиқ чопон, чипта ковуш,  
                                бардошлари метиндан  
Аждодларин юз-кўзига  
                                оёқ қўйди одамлар.

<sup>11</sup> Бухоронинг Жондорида Маҳмуд Торобий номи билан аталувчи эски қалъа бор.

Собит турса эл тарихин  
хотирадан ўчирмас,  
Ажаб, мунгли фарёд келар  
бу қалъанинг остидан.  
Саодат деб шаҳид бўлган  
боболар ҳеч кечирмас,  
Қўй-қўзилар ўтлаб юрса  
қабрларин устида.

Бузилган бир хароб қалъа  
қаршисида турибман,  
Юракдаги жароҳатнинг  
азобида ўртаниб.  
Мен ҳам инсон, халқу  
юртим қайғусида юрибман,  
Янги дунё қурмоқ учун  
тарихлардан ўрганиб.

Биз шоҳидмиз, бепарвомиз  
чўқар, тарих қалъаси,  
Емирилиб, қулаб борар,  
Торобийдир бир мисол.  
Ғафлатдамиз, уйғот бизни,  
уйғот Маҳмуд наъраси,  
Меросимиз келажакка  
етказайлик безавол.

Ҳушёр бўлинг, қулаб борар  
ўзлигимиз қалъаси.

## ХИЁНАТ АСИРЛАРИ

Қишнинг захрини туйдим баҳорнинг нафасида,  
 Қарға-зоғлар сайрарди булбулнинг қафасида.  
 Кўзлар интизор боқар “Дет дом” деразасидан,  
 Мурғак гўдаклар асир хиёнатнинг дастида,  
 Кетолмадим “Болалар уйи”н бўсағасидан.

Устлари бут, қорни тўқ, аммо қалблари ярим,  
 Нигоҳида бир савол: “Борми менинг кам ерим?”  
 Қани қалбинг тўлдирсам, меҳрим билан жигарим...  
 Юрак сим-сим ингради хиёнатнинг дастидан  
 Кетолмадим “Болалар уйи”н бўсағасидан.

Отанг гуноҳга ботиб яшар ўз ҳузурида,  
 Онанг бурчин унутди, интиқом шуурида.  
 Сен фироқда, улар-чи, ўз нафсининг тўрида,  
 Юзи қора бўлдилар яратган ҳузурида,  
 Кетолмадим “Болалар уйи”н бўсағасидан.

Қандайин ота бўлди, қандайин она улар?  
 Шундай муқаддас номни тупроққа тенг этдилар,  
 Тирик етим тамғасин пешонангга битдилар,  
 Улар тубан тушдилар меҳр қасрин тахтидан,  
 Кетолмадим “Болалар уйи”н бўсағасидан.

Кўз ёшларинг тош бўлиб теккусидир отангга,  
 Қарғишларинг дард бўлиб ёпишгуси онангга,  
 Бошинг мағрур тут болам, сен азизсан ватанга,  
 Дунёнинг ёлғонлари кўпдир азал ростидан,  
 Кетолмадим “Болалар уйи”н бўсағасидан.

## АҲД

Чечаклар, долалар кулса  
насимии абри найсондан,  
Менинг кўнглим олар баҳра  
ажабким жабри жонондан.

Кўзим нурини бахш этдим,  
бахори ёшлигимни ҳам,  
Агар у истаса кечгум  
ўшал лаҳза ширин жондан.

Еткурса менга минг озор  
ва лекин айбламам зинҳор,  
Халойиқ ичра ҳикмат бор:  
несуд охир пушаймондан.

Турарга ихтиёри йўқ,  
тайин манзил қарори йўқ,  
Бугун Тошкан сари кетса,  
келар эрта Намангондан.

Умид бирла очарман кўз,  
мудом маҳрам, мудом дилсўз,  
Саодат бир узоқ юлдуз,  
нур олгай шамсул армондан.



Гаҳе оҳу фиғон этдим,  
шакар ўрнига қон ютдим,  
Инсофга келмоғин кутдим,  
ва лекин кечмадим ундан.

Аёллик – оналик бахтим,  
эшитсин ул дили сахтим,  
Жафо ўрнига ҳам, майли,  
вафо кўрсин Дилоромдан.



## КИТОБ

Сизмайин қолсам жаҳонга,  
  менга ҳамдамдир китоб,  
Ноумид қалбим ёритган,  
  пурзиё шаъмдир китоб.


Зим-зиё ўлганда кўнглим,  
  ул мунаввар айлағай,  
Ҳеч киши билмас сиримга  
  якка маҳрамдир китоб.

Дўсти содиқ, ҳам суянчиқ,  
  ҳам у устоздир менга,  
Меҳрла бошим силаган  
  ота-онамдир китоб.

Ҳол сўрарга дўсту ёрим,  
  топмаганда фурсате  
Энг азиз, энг меҳрибон,  
  меҳмони кулбамдир китоб.

Бу ҳаёт уммонларин  
  қаршисида қолсам малул,  
Бедаво қалб дардига,  
  энг яхши малҳамдир китоб.

Эй Дилором, икки оламнинг  
  савобин истасанг,  
Кўп ўқи, уқил китобни  
  нури оламдир китоб.

  
Сабр соҳили



## ХОТИМА

Мана, умрим карвони 60 манзилни босиб ўтди. Қанчадан-қанча яхши ва ёмон кунлар ортда қолди. Юракнинг қат-қатида ётган орзу истакларим рўёбини кўрдим... Шукр!

Олдинда ҳали яна қанча манзиллар бор, билмадим. Ҳаёт инсон учун берилган неъмат, эзгуликлар учун имкониятдир. Дунё синовларга тўла сабр ва бардош дунёсидир. Илму ижод эса ушбу оламнинг энг машаққатли, энг давомли ва шарафли йўли экан... Ўша манзилни кўзлаб “Бисмиллоҳ” деб қадам қўйдим, то ҳаётим охиригача шу йўлдан адаштирмасин, Яратганнинг ўзи қўлласин дейман...

Аслида, шоирликка даъвойим йўқ. Аммо ёзганларим, қувончу ташвишларим, ушалган ва ушаламаган армонларим, истак ва ўтинчларимнинг ифодасидир. Шуларни сиз билан баҳам кўргим келди, азиз китобхон!

Ҳаммамизга толеъ ёр, Аллоҳ мададкор бўлсин.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
--------------	---

### ХАЛҚ ДУРДОНАЛАРИДАН

Ойбекақиссаси.....	6
Ҳаж армони.....	11
Тушсабоғи.....	15
Сулаймон подшоҳнинг қизлари.....	22
Ҳалолризқ.....	29
Ҳусайни узум.....	34
Ибрат.....	36
Кўнги кўзи.....	37
Зиёфат.....	39
Ихлос.....	41
Чўпон ҳикояти.....	42
Ҳовли олма, қўшни ол.....	43
Шайтон ва раҳмон.....	44
Кўшки айвон орзуси.....	46
Нафс.....	47
Она-бола – жонпайванд.....	48
Тавба.....	51
Жаннатдаги қўшни.....	52
Камтарлик.....	54
Кичик уйчадаги катта ҳасрат.....	56
Ҳақиқий она.....	58
Аёлларга дори.....	60
Аллоҳга қуллик.....	61
Ислом.....	63
Кўнги.....	64

## ОНАЖОНИМ – МАККАМ, МАДИНАМ

Ой ва қуёш.....	66
Йиғламайман энди, онажон!.....	67
Кулишларингдан.....	69
Мозий соғинчи.....	70
Илтижо.....	71
Сабр соҳили.....	73
Икки дунё саодати.....	74
Тонгда битилган шеър.....	76
Саодат.....	77
Онажоним – Маккам, Мадинам.....	78
Онамга марсия.....	80
Кечирим.....	82
Орзу.....	83
Фарзандлар нияти.....	84
Онажоним.....	85
Йўқлов.....	86
Ризолик.....	87
Қиёс.....	88
Темур.....	89
Дилнурахонга.....	90
Умид.....	91
Ирода.....	92
Саида.....	93
Фарзандларимга.....	94

## ҚАЛБ УММОНИДАН ҚАТРАЛАР

“Қаро кўзум”ни тинглаб.....	96
Кўнгилқўймас.....	97
Навоийдан.....	99
Назм чўққиси.....	101
Ҳижрон.....	102
Муаллимимга.....	103

Муножот.....	104
Ўқувчимга.....	106
Вафо кўшиғи.....	107
Ҳамроҳимга.....	109
Бир кун.....	111
Кулгин азизим.....	112
Шогирд табриги.....	113
Устозга.....	114
Улуғ тухфа.....	115
Содиқ Жондорийга.....	117
Тўртликлар.....	118
Аёл аҳли.....	119
Вафо шеъри.....	121
Бухоро шаънига мусаддас.....	123
Шаҳри урфонга.....	125
Мени ёлғиз қолдирманг.....	127
Махтумкули йўлидан.....	128
Отамга.....	130
Ғазаб.....	131
Ҳақиқат йўли.....	132
Турна.....	133
Ўзбек аёллари.....	134
Шиор.....	136
Чорбакрлар.....	138
Жигарбандимга.....	141
Нажот.....	142
Шеъримга.....	143
Кутаман.....	144
Қизларга.....	145
Маҳмуд Торобий қалъаси ёнида.....	146
Хиёнат асирлари.....	148
Аҳд.....	149
Китоб.....	151
Хотима.....	152

*Адабий-бадиий нашр*

*Дилором Каримова*

## САБР СОҲИЛИ

*Муҳаррир*  
*Мусаввир*  
*Матн терувчи*  
*Саҳифаловчи*

**Нодира Афоқова**  
**Уйғун Солиҳов**  
**Дирабо Алимова**  
**Муҳаррам Зойитова**

Нашриёт лицензияси АИ № 170. 23.12.2009.  
Босишга рухсат этилди 01.03.2018. Офсет босма усулида  
босилди. Бичими 84 x 108  $\frac{1}{32}$ . 10.0 нашр т.  
9.75 шартли б.т. Адади 2000 нусха. Буюртма № 256.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Navro'z» нашриёти, Тошкент ш., Амир Темур к., 19-уй.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. тел.: +99891 162-08-43.  
E-mail: Saydana-print@mail.ru







### *Дилором Каримова*

1958 йил 3 июлда Бухоро вилояти Жондор туманининг Подшохи қишлоғида туғилган. 1974 – 1978 йилларда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) нинг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган.

1992 йилдан БухДУда ишлаб, илмий фаолият билан шуғулланиб, 1997 йилда «Мирзо Содик Жондорий ижодининг жанрий таркиби ва бадинияти» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлади. Филология фанлари номзоди, дотцент.

«Тонгда битилган шеър» (1994 й.), «Содик Мушшӣ – Жондорнинг ширинкалом шоири» (2000 й.), «Имло Бухорийнинг назмий гулдастаси» (2005 й.), «Онамни кўмсаб...» (2007 й.) каби илмий, бадий асарлари нашр қилинган.

Дилором Каримова БухДУ ва Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика университетларида ёшларга сабоқ берди. Ҳозирги кунда нафақада. Шоиранинг «Сабр соҳили» шеърӣ тўплами унинг мухлисларига яна бир тухфасидир.

ISBN 978-9943-381-96-4



9 789943 381964